Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 1 март, чоршанба • № 17 (10.693) • Эркин нархда сотилади

УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси парламенти ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш ҳақида умумхалқ Референдумини ўтказишга қарор қилинди.

Парламент қарорини қандай изоҳлаш мумкин?

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан

Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир. Бу ҳолат Конституциянинг 89-модда, 2-қисмида акс эттирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти 1991 йил охирида умумхалқ сайлови натижасида беш йил муддатга сайланган эди, яъни Президентнинг ваколати 1997 йилга қадар давом этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси эса 1994 йил охирида сайланиб, беш йил муддатдан иборат ваколатга эга бўлади. Унинг ваколати 2000 йилгача давом этади.

Бундай вазиятда, табиийки, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ваколат муддатлари жиҳатидан номутаносиблик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлмиш Президентнинг ва Олий Мажлиснинг ваколатлари ўртасидаги бу номутаносибликка барҳам бериш, қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг ваколатини Олий Мажлис ваколатлари амал қиладиган муддатга қадар узайтириш тақозо этилади.

Нега бу масала айни ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда?

Мамлакатимизда давлатчилик шаклланаётган, бошқарувнинг самарали шакли вужудга келаётган бир пайтда, иқтисодиётимизда оламшумул ислоҳотлар жорий этилаётган бир пайтда, маънавиятимиз қайта тикланиб, куч-қувватга тўлиб, халқимиз истиқболига хизмат қилаётган бир пайтда, лўнда қилиб айтганда, халқимизнинг ҳаётини барқарорлаштириш мақсадида аниқ белгилаб олинган сиёсатни оғишмасдан, беҳуда тортишувларсиз, ғоят изчиллик билан охирига етказиш даркор.

Иккинчидан, дунё тажрибаси шуни кўрсатдики, давлат бошқаруви

тармоқлари бўлмиш қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг муайян бир даврнинг ўзида шаклланиши, уларнинг келажакда ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши учун, олдинда турган муаммо ва вазифаларни оқилона ҳал этишда бир ёқадан бош чиқариб, соғлом муҳит ва соғлом мусобақа шароитида фаол меҳнат қилишлари учун қулай замин яратади.

Қонунчилик, суд ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг вақт жиҳатидан мутаносиблиги сайловчиларнинг айни шу даврдаги онги ва кайфиятига ҳам тўла жавоб беради, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий барқарорликни, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учинчидан, ўтказиладиган Референдум нафақат Президент

ваколатини узайтириш масаласига умумхалқ муносабатини белгилабгина қолмасдан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатига, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга, истиқбол сари қўйилаётган қадамларимизга, умуман, жамиятдаги ислоҳотларга сайловчиларнинг асл муносабатларини ҳам аниқлашга имкон беради.

Тўртинчидан. Бугун — режа ва мақсадларимизни амалга оширишнинг энг ноёб ва энг масъулиятли бир пайти. Айни шундай шароитда олий ҳамда маҳаллий вакиллик ҳокимиятларнинг ва давлат бошлиғининг фаолияти муддатини муайян бир вақтда ҳал қилиб, ундан кейин ортиқча сиёсий баҳслашувларни, сайлов ташвишлари ва юмушларини йиғиштириб, ҳокимиятнинг барча тармоқлари баробар бел боғлаб, ишончга сазовор бўлган барча шахслар халқимизга берган ваъдаларига вафодор бўлиб, зиммаларига олган мажбуриятларини амалга ошириш учун астойдил ишлаши, меҳнат қилиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ОКРУГЛАРНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарори ва «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимномаларига биноан Марказий комиссия ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Референдуми ўтказиладиган қуйидаги округлар тузилсин:

1. Тошкент шаҳар округи
(Маркази — Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6).
Тошкент шаҳар чегараси доирасида.
2. Андижон округи
(Маркази — Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 126)
Андижон вилояти чегараси доирасида.
3. Бухоро округи
(Маркази — Бухоро шаҳри, академик Мўминов кўчаси, 1)
Бухоро вилояти чегараси доирасида.
4. Жиззах округи
(Маркази — Жиззах шаҳри, Мустақиллик майдони, 6)
Жиззах вилояти чегараси доирасида.
5. Навоий округи
(Маркази — Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 77 а)
Навоий вилояти чегараси доирасида.
6. Наманган округи
(Маркази — Наманган шаҳри, Абдусаттор Раҳимов кўчаси, 57)
Наманган вилояти чегараси доирасида.
7. Самарқанд округи
(Маркази — Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1)
Самарқанд вилояти чегараси доирасида.
8. Сирдарё округи
(Маркази — Гулистон шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 60)
Сирдарё вилояти чегараси доирасида.
9. Сурхондарё округи
(Маркази — Термиз шаҳри, Гагарин кўчаси, 34)
Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.
10. Тошкент вилояти округи
(Маркази — Тошкент шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 51)
Тошкент вилояти чегараси доирасида.
11. Фарғона округи
(Маркази — Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 15)
Фарғона вилояти чегараси доирасида.
12. Хоразм округи
(Маркази — Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23)
Хоразм вилояти чегараси доирасида.
13. Қашқадарё округи
(Маркази — Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 1)
Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.
14. Қорақалпоғистон округи
(Маркази — Нукус шаҳри, Гарезсизлик кўчаси, 50)
Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қ. АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия котиби А. АНОРҚУЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 27 февраль.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ АНИҚ

МУҲАРРИР МИНБАРИ

КУНИ КЕЧА Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўзининг илк анжуманини якунлади. Олий Мажлиснинг бу сессияси сўзсиз мамлакатимиз ҳаётида катта сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлиб тарихга киради. Бундай дейишимизга тўла асос бор. Чунки, Ўзбекистонда биринчи марта кўппартиявийлик, муқобиллик ва тўла демократия асосида сайланган янги парламент иш бошлади. Шу туфайли Олий Мажлиснинг биринчи сессияси ҳам тамоман янгича мазмун кашф этди. Буни демократик сайловларимизга юқори баҳо берган ҳорижий давлатлар вакиллари ҳам индалло эътироф этдилар. Шундай экан, ўз ишини бошлаган Олий Мажлис келгусида республикамиз тараққиёти, халқимиз равнақини таъминлаш, бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ энг халқчил қонунлар ва ҳужжатларни қабул қилишига тўла умид қилсак бўлади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг сессиядаги маърузаси ҳам тарихий воқеа бўлди десак, муболаға бўлмас. Маърузада республикамизда белгилаб олган ўз йўлимизни амалга ошириш борасида эришилган натижалар ва амалга оширилажак ишларимизнинг асосий йўналишлари чуқур баён этилди. Албатта, бу маърузанинг мазмун-моҳиятини бус-бутун очиб бериш, фикр-мулоҳазаларни айтиш учун уни қайта ўқиш ва ўқиш, англаш ва билиш керак. Юракка жо этмоқ керак. Чунки, бу маърузанинг ҳар бир сўзида, сатрида жуда чуқур ва кенг маъно, дастур ва режа, уларни ижро этиш ва бажариш йўллари аниқ ва пухта кўрсатиб берилди. Бугун биз билдираётган фикрлар эса унинг илк таассуротларидир, холос.

Олий Мажлис сессиясининг биринчи куни юртбошимизнинг маърузасидан кейин 20 минутлик танаффусда Олий Мажлис депутати, Чиноз туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Турғунбой Ботиров билан учрашиб қолдик. У саволимизни кутмаёқ:

— Бу маърузани баъзи —ўзини демократлар деб юрган мухолифларимиз ўқиб қўйсалар бўларди, шунда улар Ўзбекистонда айрим жойлардаги сингари шунчаки демократик эмас, қадриятларимиз, миллий давлатчилигимиз негизларига, бой ўтмиш анъаналаримизга суянган ҳолда таг замини бутун, демократик, одил жамият қуриш йўлида катта ишлар бошланганлигини ва бу ҳаракатлар ўз самарасини бераётганлигини билиб олардилар, — деди.

Эътибор беринг-а, бу хўжалик раҳбарининг маърузадан таъсирланиб айтган гаплари эди. Дарҳақиқат, республика Президенти Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг ўзига мос ва ўзига хос йўлидан борилаётганлигини фалсафий кучли, мантиқан теран фикрлар билан жуда чуқур очиб бердилар.

«Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто, фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди», — деди республика Президенти.

Бу фикрлар нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Биз демократик жамият қурар эканмиз, халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини янгича тафаккур ва янгича изланишлар омили билан ривожлантириб борганимиздагина бу жараён катта самара беради.

Маърузадаги яна бир масала тўғрисида алоҳида тўхталмасак бўлмас. Бу — адолат ва ҳақиқат ғояси — қонунчилик устиворлиги фаолиятимизнинг замини ва бош йўналиши бўлмоғи зарурлигидир. Ана шу адолат қарор топган жойда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайди. Аксинча, Президентимиз таъкидлаганларидек, биз фуқаролик жамияти қуришга киришган эканмиз, бунда ҳар бир кишига ўзининг қобилияти ва имкониятларини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бу ислоҳотларнинг иккинчи босқичининг асосий йўналиши бўлиши керак. Янгича тафаккур ва фикрлаш билан меҳнат қилаётган кишигина ислоҳотларни чуқурлаштириш, пировардида жамият ва давлатимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади.

Албатта, Олий Мажлисда партиявий фракцияларнинг иш бошлаганлиги ҳам, сайловларда синфийликка барҳам берилганлиги ҳам Ўзбекистондаги демократик жараёнларнинг дадил ривожланиб бораётганлигидан далолатдир.

Ана шу демократик жараёнлар Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишда ўзининг катта таъсирини кўрсата бошлади. Республикамизда хусусийлаштириш, ишбилармонлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мулкчилик шаклларини ўзгартириш борасида катта ишлар қилинди. Бу соҳага оид қабул қилинган бир қатор фармонлар ва қарорлар унинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаб берди. Жамият ривожи ислоҳотларни амалга оширишда замон талабидан келиб чиқиб, ишни ташкил этишни тақозо этмоқда. Сессиядаги маърузасида масаланинг ана шу жиҳатлари ҳам чуқур таҳлил этиб берилди.

«Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли кескин ўзгаради. Давлатнинг бош вазифаси иқтисодий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўз маромида ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир».

Юртбошимизнинг бу сўзлари буйруқбозлик ва эскича фикрлаш каби иллатлардан тезроқ қутулишни кўзда тутади. Бу сўзлар, айниқса, ҳокимлар ва раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бугуни тараққиёт жойларда илгаригидек йирик корхоналар қуриш учун эмас кичик ва ўрта корхоналар барпо этиш республикани ривожлантиришда асосий ва юксак самара берадиган омил эканлигини кўрсатмоқда.

Тошкент вилоятининг ўзида сўнгги икки йилда ана шу ўрта ва кичик корхоналарни ривожлантириш ҳисобига 80 дан ортиқ турда янги истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигининг ўзиёқ буни яққол исботлаб турипти. Куни кеча Олмалиқ кон-металлургия комбинатида италияликлар билан барпо этилган қўшма корхона, Янгиободда иш бошлаган кичик корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг тенг ярми ҳорижга экспорт қилинаётганлиги ёки Тошкент туманидаги Чехия билан барпо этилган сув насослари ишлаб чиқараётган корхонанинг маҳсулотларига талабнинг кундан-кунга ошиб бораётганлиги бунга жонли мисол эмасми?!

Шундай экан, республика Президентининг бу борадаги фикрлари бугун биз учун бош дастур — йўлчи юлдуз бўлиши керак. Фақат шу йўл билангина биз қишлоқларда ҳам саноатни ривожлантиришимиз, жаҳон талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришимиз ва бу корхоналарни юксак технология билан жиҳозлашимиз мумкин бўлади.

Агросаноат тармоғида ҳам ислоҳотлар боряпти. Лекин, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг талабга жавоб бермаётганлиги жуда тўғри кўрсатиб ўтилди. Шу ўринда қишлоқ хўжалигида ҳам тадбиркорлар, ишбилармонлар, ҳақиқий ер соҳиблари ва чорвадорлар мавжудлигини айтиб ўтишимиз керак. Бундай кишилар бизнинг вилоятимизда ҳам бор. Масалан, Зангиота туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалигининг фермери Султонхўжа Муҳиддинов бугунги кунда 100 бош қорамолни боқиб, давлатга 100 тоннадан ортиқ сут, 50 тоннагача гўшт етказиб бермоқда. Хўжалик унга бу йил қўшимча ер ажратиб берди. Эндиликда у сабзавотчилик билан ҳам шуғуллана бошлади. Қибрай, Тошкент туманларида ҳам бундай фермерлар сони кўпайиб бормоқда. Лекин, улар ҳали жуда оз. Фермер — деҳқон хўжаликлари жадал ривожланмаётганлигининг асосий сабаби уларга хўжаликлар раҳбарлари ва ҳокимликлар томонидан етарлича эътибор берилмаётганлигидир.

Ана шунинг учун ҳам, беистисно, ҳамма соҳада ислоҳотларни амалга оширишда ҳокимлар — раҳбарларнинг масъулияти ниҳоятда катта эканлиги маърузада асосли таъкидлаб ўтилди. Бугун республикамизда ўзига берилган ваколатлар ва ҳақ-ҳуқуқлардан фойдаланиб иқтисодиётни ривожлантиришга қодир, халқнинг турмуш шароитини яхшилай олишнинг уддасидан чиқадиган раҳбарлар зарур. Президентимиз ўз маърузасида бежиз «иқтисодий, айниқса, сиёсий ислоҳотлар муваффақиятли, аввало, бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ», — демадилар.

— Бу фикрларга тўла қўшиламан, — дейди Олий Мажлис депутати, Тошкент тумани ҳокими Рустам Акбаров. — Бошқарув аппаратларидаги ғовларни тезроқ бартараф этишимиз, ортиқча «раҳбар»лардан тезроқ ҳоли бўлишимиз керак. Ана шундагина тадбиркорларга кенг йўл очилади. Менга қолса, республикамиздаги турли вазирлик ва идоралар ҳам бюджетга кўз тикиб ўтирмасдан ўз фаолиятини тубдан ўзгартиришлари керак. Демоқчиманки, боқимандаликка, давлатга кўз тикишга барҳам берайлик. Мен туман ҳокими сифатида Президентимизнинг маърузаларидан чуқур қониқиш ҳосил қилдим ва ўз режаларимни белгилаб олдим.

Бу фикрларга қўшимча қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Зотан, бу борадаги гапларни юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари билан хулосаласак тўғри бўлади.

«Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа — мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти — мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат».

Дарҳақиқат, янги замон кишисини тарбиялаш, шакллантириш, ислоҳотларнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ана шунинг учун ҳам маърузада таълим, тарбия, маънавий, маърифат масалаларига ҳам чуқур тўхталиб ўтилди. Энг муҳими шундаки, ушбу соҳаларни ривожлантиришда ҳам давлатнинг роли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдан кам бўлмаслиги таъкидланди. «Сиёсий-маънавий ислоҳотларда ҳам, миллий тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислоҳотчи бўлишини тан олишимиз керак ва тегишли қонунлар орқали маънавий йўналишларнинг пойдеворини асослаб беришимиз даркор».

Юртбошимизнинг бу сўзлари халқимизни маънавий юксалтиришда, таълим-тарбия, маданият, санъат, матбуот ва ноширлик фаолияти соҳаларида жуда катта ўзгаришлар юз беришидан дарак бериб турипти.

Шу ўринда республика Президентининг матбуот нашрларига билдирган эътирозлари нақадар тўғри эканлигини ҳам тан олишимиз керак. Ҳақиқатан ҳам ҳали биз — журналистлар республикамизда амалга оширилаётган катта ислоҳотлар ва бу йўлдаги камчиликлар, айниқса, бугунги кун талабларига жавоб бера олмаётган «ношуд» раҳбарларнинг лоқайдликларини тўла очиб бера олмаяпмиз. Ваҳоланки, жойларда бундай камчилик ва нуқсонлар ҳали кўп.

Яқинда газетамизда икки тумандан танқидий мақола босилди. Бу мақолаларда кўрсатилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш, зарур чора-тадбирлар белгилаш ўрнига ҳар икки туман ҳокими ҳам газета шаънига айрим баландпаст гапларни айтмоқчи, юқори идораларга қўнғироқ қилишиб, гўё бу мақолалар нотўғри ёзилган, демоқчи бўлдилар. Лекин, қайта ўтказилган текширишлар ҳар икки мақоланинг ҳам ниҳоятда тўғри ва ҳаққоний ёзилганлигини исботлади. Демоқчимизки, матбуотимиздаги жанговарликнинг етишмаётганлиги, сусткашлик, жойлардаги раҳбарлар, ҳокимларга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлаган. Бу яна бир бор ишимизни қайта кўриб чиқиб, хулосалар чиқариб олишга ундайди.

Президентимиз маърузасида республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда барқарорликни таъминлаш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини кўтариш борасидаги қилинажак ишлар ҳам чуқур таҳлил этиб берилди. Ўтган давр бу борада ҳам республикамизда амалга оширилаётган ишлар ва танлаб олинган йўл тўғри эканлигини кўрсатди.

Фикримизни якунлаб, шуни яна бир бор таъкидламоқчимизки, Ўзбекистонда тараққиётнинг аниқ ва тўғри йўли белгилаб олинди. Ғалдаги вазифа — халқимиз қўллаб-қувватлаётган бу йўлни охирига етказиш, белгиланган режаларни тўлиқ амалга оширишдан иборатдир. Бунинг учун эса ҳар биримиз юртим деб, элим деб яшашимиз ва ишлашимиз керак. Бутун ғайрат-шижоатимизни, ақл-заковатимизни она-Ватанимиз равнақи учун сафарбар этмоқ ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

ЭНДИ ИШЛАШ КЕРАК

Мантиқан кучли, кенг қамровли

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ барча фуқаролари каби бизнинг оиламиз аъзолари ҳам биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ишини катта қизиқиш ва ифтихор туйғуси билан кузатиб бордик. Унда мустақил республикамизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, халқ фаровонлиғини оширишнинг муҳим йўлларига катта эътибор берилди.

Айниқса, республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг сессиядаги мантиқан кучли, кенг қамровли маърузаси ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Унинг ҳар бир жумласи, ҳар бир сўзи мустақил республикамизда демократияни янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланган иқтисодий ислоҳотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш, миллий хавфсизлигимизни, осойишталигимизни таъминлаш ғояси билан суғорилгандир.

Маърузада республикамизда мустақилликка эришилганидан бери қилинган ишлар атрофлича тушунтириб берилди. Айни вақтда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бирма-бир санаб ўтилди. Уларни амалга оширишга ҳисса қўшиш эндиликда ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ҳа, нурафшон истиқбол уфқларини яқинлаштириш учун жон фидо қилиб, элим деб, юртим деб, фидокорона меҳнат қилиш вақти келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан асримиз охиригача узайтириш тўғрисидаги қарорини ҳам қизғин маъқуллаймиз. Ҳозирги шароитда баайни ана шундай бўлиши лозим, уни ҳаётнинг ўзи, давр, келажакка мўлжалланган ишлар режаси тақозо этмоқда.

А. АБДУЖАББОРОВ,
Тошкент қурилиш механизмлари трести устаси.

НОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙДИ

«Янгийўлдонсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Янгийўл шаҳрининг турли жойларида нон маҳсулотлари пиширувчи бир неча цехлар очди. Бу цехлар кунига 5-6 тонна саккиз-ун турдаги нон маҳсулотлари тайёрлаб, шаҳар аҳолисига етказиб бермоқда. Макарон тайёрлашга мослашган цех эса кунига 300 килограмм маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Суратда: янги технология билан ускуналанган макарон тайёрлаш цехида.

Ф. Қурбонбоев (ЎзА) олган сурат.

Мен фикр билдираман

Келажак бугундан бошланади

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг Республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқдим. Дастлабки хулоса шу бўлдики, маърузада ўз тараққиёт йўлидан бораётган мустақил мамлакатимизнинг бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий қиёфаси, истиқболга доир асосий тамойилларга оид фалсафий фикрлар ўз ифодасини топган.

Маърузада Президентимиз кейинги йилларда республикада эришилган ижобий натижаларга қарамасдан, янги жамият пойдевори энди мустаҳкамлана бошлаганлигини қайд этдилар. Шу боис «Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган, кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Олий Мажлис депутатлари зиммасига қўйилаётган вазифалар айни муддао деб ўйлайман.

Шуни айтиш керакки, бу нутқ мамлакатимиз халқ хўжалиги, аҳоли турмуш тарзига оид барча масалаларни қамраб олганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маънавиятни ривожлантиришга эътибор кучайтирилганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Зеро, маънавият бу бизнинг ота-боболаримиз қолдирган буюк маданий меросга ҳурмат, миллий қадриятларимизга, асрлар давомида яратилган удумларимиз, қутлуг одатларимизга эҳтиром ифодасидир. Маънавият — инсон қалбига руҳий озиқа бериб, уни камолот сари етаклаётган, ҳозирги узгаришлар даврида ҳаммамиз учун зарур булган асосий омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам маърузадаги «Халқимизнинг келажаги учун сувдек, ҳаводек зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта ҳомий — давлатнинг ўзи. «Маънавият жуда нозик тарбиявий соҳа. Буни ўзи-буларчиликка қўйиб бўлмайди», деган сўзлар менда катта қониқиш уйғотди.

Бинобарин келажак бугундан бошланади. Эндиги вазифа ана шу дастур мазмуни ва моҳиятини оммага, ҳар бир фуқаро онгига чуқур сингдиришдан иборат бўлмоғи керак.

Бу ишларни руёбга чиқаришда маънавият ва маърифат марказлари, олий, ўрта-махсус ўқув юртлари, халқ таълими муассасалари ўқитувчилари, Ёшлар Иттифоқлари ташкилотларининг тарғибот гуруҳлари фаоллик кўрсатишлари лозим, деб ҳисоблайман.

Собир МИРВАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ АНИҚ

Ўзбекистон Президентининг Республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

ТАДБИРКОРЛИК ФОРМУЛАСИ

• Хусусийлаштирилган объектлар 58 тага етди. • 23 та давлат корхонаси ҳиссадорлик жамиятлари бўлиб қолди • Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган маблағ 10 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди • Якка тартибда ишлаётганлар сони 750 кишига етди • Юзлаб янги иш ўринлари барпо этилди • Ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат?

РЕСПУБЛИКАМИЗ** бинокорлик материаллари саноатининг йирик маркази — Оҳангарон шаҳрида ҳам иқтисодий ислоҳотлар халқ хўжалигининг барча соҳаларига тобора чуқур кириб бормоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уни ҳақиқий эгаларига топшириш жараёни кенгаймоқда ва жадаллашмоқда. Айниқса, бу иш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил бошларидаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари» тўғрисидаги фармонидан кейин янада авж олиб кетди. Чунки, бу ҳужжат тадбиркорлар самарали фаолият кўрсатишлари учун беқиёс имкониятлар яратиб берди. Мухбиримиз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишига мутасадди бўлган қатор ташкилотлар раҳбарлари билан бу соҳада қилинган ишлар, вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар тўғрисида суҳбатлашди.

•Оҳангарон шаҳар ҳокимлигининг хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Муҳаммаджон ПУЛАТОВ:

— Бизнинг шаҳарда ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни тўхтовсиз давом этмоқда. Унинг биринчи босқичи тугади. Шаҳар хўжалигининг маиший хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш, маҳаллий саноат каби соҳаларида мулкни эгаларига топшириш деярли тугалланди. Унинг иккинчи босқичини бошлаб юбордик. Эндиликда йирик-саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари давлат тасарруфидан чиқарилмоқда.

Хусусийлаштириш жараёни бошлангандан бери шаҳримизда ҳаммаси бўлиб 52 та объект унинг соҳибларига топширилди, уларга Давлат ордерлари берилди. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш бошлаб юборилди. Ҳозирга қадар Оҳангарон саноат комбинати, Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси, паст ҳароратда цемент ишлаб чиқариш заводи, Оҳангрон темирбетон буюмлари ишлаб чиқариш ширкати, «Сантехлит» заводи ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Қатор қурилиш ва транспорт ташкилотлари ҳам давлат тасарруфидан чиқарилди. Жумладан, Оҳангарон қурилиш трести, 18-механизациялашган қўчма жамлама, 13-автокорхона уларнинг жамоаларига мулк қилиб берилди. Ҳаммаси бўлиб 23 та йирик корхона ва ташкилот ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Бундан ташқари, «Нилуфар» умумий овқатланиш ҳиссадорлик жамиятининг 17 та шахобчаси, «Хонобод» савдо ҳиссадорлик жамиятининг 4 та шахобчаси хусусийлаштирилди. 3 та дорихона, спорт буюмлари дўкони, оптика дўкони, Оҳангарон меҳмонхонаси ҳам жисмоний шахсларга хусусий мулк сифатида расмийлаштириб берилди.

Шаҳар бўйича амалга оширилаётган бу ишларнинг самараси қандай бўлаяпти? Бу кўпчиликни қизиқтираётган саволдир.Ҳозирча ижобий хулосага келиш қийин. Чунки, бу жараённинг дастлабки босқичида турибмиз. Ҳали олдимизда катта-катта вазифалар бор. Хусусийлаштириш ишларини такомиллаштириш, айниқса, хусусий мулк эгаларини хом ашё ва материаллар билан таъминлаш каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Куни кеча қилинган ҳисоб-китобларга қараганда, шаҳарда жами 24 миллион сўмлик объектлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган. Бундан тушган маблағ 10 миллион сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Бу маблағ асосан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, аҳолининг кундалик рўзғори учун зарур бўлган моллар тайёрлашни кўпайтиришни йўлга қўйишга сарфланди. Бу билан тадбиркорларга ҳам муайян даражада ёрдам кўрсатилди.

Шаҳримизда кичик корхоналар, йирик корхоналар бўлинмалари, цехлари, ширкатлар очишга ҳам эътибор берилмоқда. Кейинги ярим йил ичида 47 та кичик корхона барпо этилди. Уларда 277 та иш ўрни ташкил қилинди. Бундан ташқари, аҳолига турли хил хизмат кўрсатишга бел боғлаган 524 кишига патент берилди. Шундай қилиб, якка тартибда меҳнат қилувчилар сони ортиб, 800 нафарга яқинлашиб қолди.

Шаҳар солиқ назорлиги бошлиғи Қутбиддин ЭРГАШЕВ:

— Ширкат, кичик корхоналар эгалари, якка тартибда меҳнат қилувчиларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги бизни ташвишга солмоқда. Бу кўп ҳолларда билинмоқда ва ишга салбий таъсир қилаяпти. Уларнинг кўпчилиги республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган фармонлар, қарорлар ва қонунларни чуқур билмайдилар. Шунинг учун биз ўз имкониятларимиз доирасида бу соҳада уларга ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз.

Шу мақсадда ўтган йили тадбиркорлар билан биргаликда 9 та семинар-кенгаш ўтказдик. Унда шаҳар ҳокимлигининг раҳбарлари, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашкилотларнинг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирокида тадбиркорликка оид бўлган турли хил қонун-қоидалар тушунтирилди. Ишбилармонлар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тегишли жавоблар ҳам олдилар. Шундай тадбирларнинг бири шу йилнинг январь ойида ҳам уюштирилди. Унга қатор банкларнинг вакиллари, вилоят маҳкамаларининг масъул ходимлари таклиф этилди. Тошкент вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Улар тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қатор масалалар бўйича маъруза ва чиқишлар қилдилар, йиғилганларнинг саволларига жавоб бердилар. Биз бу йўналишдаги ишларни яна давом эттирамиз. Зотан тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш муаммоси шуни тақозо этмоқда.

Оҳангарон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аблаз УРОЛОВ:

— Шаҳарда жами 136та ширкат, кичик корхона ва ҳусусий кичик корхоналар ишлаб турипти. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар уларнинг фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай корхоналарнинг деярли ярми талаб даражасида ишламаяпти. Айримлари ёпилиб қолди. Бунинг сабаблари кўп ҳолларда тадбиркорларда изланиш, имкониятларни ишга солиш етишмаётганлигида. Айримлари эса турли хил баҳоналарни рўқач қиладилар.

Шаҳримизда тадбиркорликнинг уддасидан чиқаётган дурust ютуқларга эришаётган ишбилармонлар ҳам анчагина бор. Масалан, «Трипликс» хусусий кичик корхонасини олиб кўрайлик. Унинг жамоаси ўтган йили енгил автомашиналарнинг олд ойнасидан 2 мингдан ортиқроғини ишлаб чиқарди. Бу кичик корхонага А. Метасов бошчилик қилмоқда. Виктор Ли раҳбарлиқ қилаётган «Арена» кичик корхонаси жамоаси фаолияти ҳақида ҳам фақат ижобий фикр билдириш мумкин. Бу ерда турли хил харидоргир кўйлаклар, қўлқоплар ва бошқа шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. «Рағбат» хусусий кичик корхонаси маҳаллий маҳсулотдан шарбат ишлаб чиқаришда канадаликлар технологиясини қўлланиб, меҳнатда яхши натижаларга эришмоқда. Ҳозир бу ерда тайёрланган беш турдаги шарбат истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Корхона раҳбари Ғофир Қораев келажакка ишонч билан қараяпти. Унинг режалари катта.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичидаги энг муҳим ва долзарб вазифа — мулкий муносабатларни тўбдан ўзгартирмоқдир. Унинг моҳияти — мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

И. КАРИМОВ.

Тўлқин Ҳайдаров ҳам тадбиркорликни ўрнига қўймоқда. У «Гулшан» кичик корхонасини барпо этди. Бу ерда ҳам шаҳарликлар дастурхонига қўйиладиган қатор озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ҳасан Қурбонов ўзининг «Чорвадор» деб номланган кичик корхонасига моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда. Бу корхона бир маромда ишлаяпти. Албатта, келажакда бундай ишбилармон тадбиркорлар сафи кенгайиб бораверади, бунга ишончимиз комил. Чунки, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кейинги вақтларда қабул қилинган Фармонлар ва қарорлар янада кенг йўл очиб беради. Ўз навбатида шаҳар ҳокимлиги ҳам шу олижаноб ишни кенгайтириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда.

«Гулшан» хусусий кичик корхонаси раҳбари Тўлқин ҲАЙДАРОВ:

— Очиғини айтганда, тадбиркор бўлиш осон эмас. Бунинг учун бир зум ҳам тинибтинчимаслик, доим изланишда бўлиш, имкониятларни қидириш лозим. Халқимиз ҳаракатда баракат, деб бежиз айтмаган. Шунинг учун янги шериклар, сармоядорлар топиш, уларни ишга жалб қилиш, айни вақтда, материаллар ва хом ашё таъминотида барқарорликни юзага келтириш зарур. Бу эса ҳар бир тадбиркордан кўп куч-ғайрат талаб қилади. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш, ишнинг бир маромда боришини таъминлаш мумкин.

Бу ҳаракатнинг ривожланишига ғов бўлаётган тўсиқларнинг ҳам анчагина борлиги ачинарлидир. Уларнинг ҳаммаси ҳақида тўхтаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Лекин, айримларини тилга олиш мумкин.

Ишбилармонларга ёрдам бериш учун махсус «Тадбиркор» банки ташкил этилди. Унинг бўлинмалари вилоятимизнинг деярли барча шаҳар ва туманларида бор. Бу яхши. Лекин, масаланинг иккинчи томони шундаки, бу банк қарзни ниҳоятда баланд фоиз билан беради. Йиллик фоиз миқдори 200 ва ундан ҳам ошиқ бўлади. Бу тадбиркорлар учун ниҳоятда ноқулайдир. Ахир қарз олиб, унинг ёрдамида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, даромад ва фойда олиш анча вақтни талаб этади. Шунинг учун қарзлар фоизини камайтириш масаласини ўйлаб кўриш вақти келди.

Иккинчи бир муҳим масала ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Хусусий корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариши учун хом ашё, материаллар, технологик асбоб-ускуналар керак бўлади. Уларнинг ҳаммасини ҳам вилоятимиз ёки республикамиздан топиш мумкин эмас. Яқин ва узоқ чет эл мамлакатларидан келтиришга тўғри келади. Бунинг учун эса валютамиз етишмайди. Пулимизни чет эл пулларига алмаштириш амалда қийин бўляпти. Тўловлар ҳам ўз вақтида ўтказилмайди. Бизнингча, бу соҳада ҳам қулайроқ тартиб ўрнатиш лозим.

Бу ва бошқа шу каби муаммолар ҳал қилинса, тадбиркорлик тизилмаларининг фаолиятидаги ижобий силжишлар янада салмоқлироқ бўлар эди, деб ўйлайман.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

Шаҳар солиқ назорлиги бошлиғи Қутбиддин ЭРГАШЕВ:

— Ширкат, кичик корхоналар эгалари, якка тартибда меҳнат қилувчиларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги бизни ташвишга солмоқда. Бу кўп ҳолларда билинмоқда ва ишга салбий таъсир қилаяпти. Уларнинг кўпчилиги республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган фармонлар, қарорлар ва қонунларни чуқур билмайдилар. Шунинг учун биз ўз имкониятларимиз доирасида бу соҳада уларга ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз.

Шу мақсадда ўтган йили тадбиркорлар билан биргаликда 9 та семинар-кенгаш ўтказдик. Унда шаҳар ҳокимлигининг раҳбарлари, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашкилотларнинг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирокида тадбиркорликка оид бўлган турли хил қонун-қоидалар тушунтирилди. Ишбилармонлар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тегишли жавоблар ҳам олдилар. Шундай тадбирларнинг бири шу йилнинг январь ойида ҳам уюштирилди. Унга қатор банкларнинг вакиллари, вилоят маҳкамаларининг масъул ходимлари таклиф этилди. Тошкент вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Улар тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қатор масалалар бўйича маъруза ва чиқишлар қилдилар, йиғилганларнинг саволларига жавоб бердилар. Биз бу йўналишдаги ишларни яна давом эттирамиз. Зотан тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш муаммоси шуни тақозо этмоқда.

Оҳангарон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аблаз УРОЛОВ:

— Шаҳарда жами 136та ширкат, кичик корхона ва ҳусусий кичик корхоналар ишлаб турипти. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар уларнинг фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай корхоналарнинг деярли ярми талаб даражасида ишламаяпти. Айримлари ёпилиб қолди. Бунинг сабаблари кўп ҳолларда тадбиркорларда изланиш, имкониятларни ишга солиш етишмаётганлигида. Айримлари эса турли хил баҳоналарни рўқач қиладилар.

Шаҳримизда тадбиркорликнинг уддасидан чиқаётган дурust ютуқларга эришаётган ишбилармонлар ҳам анчагина бор. Масалан, «Трипликс» хусусий кичик корхонасини олиб кўрайлик. Унинг жамоаси ўтган йили енгил автомашиналарнинг олд ойнасидан 2 мингдан ортиқроғини ишлаб чиқарди. Бу кичик корхонага А. Метасов бошчилик қилмоқда. Виктор Ли раҳбарлиқ қилаётган «Арена» кичик корхонаси жамоаси фаолияти ҳақида ҳам фақат ижобий фикр билдириш мумкин. Бу ерда турли хил харидоргир кўйлаклар, қўлқоплар ва бошқа шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. «Рағбат» хусусий кичик корхонаси маҳаллий маҳсулотдан шарбат ишлаб чиқаришда канадаликлар технологиясини қўлланиб, меҳнатда яхши натижаларга эришмоқда. Ҳозир бу ерда тайёрланган беш турдаги шарбат истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Корхона раҳбари Ғофир Қораев келажакка ишонч билан қараяпти. Унинг режалари катта.

Тўлқин Ҳайдаров ҳам тадбиркорликни ўрнига қўймоқда. У «Гулшан» кичик корхонасини барпо этди. Бу ерда ҳам шаҳарликлар дастурхонига қўйиладиган қатор озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ҳасан Қурбонов ўзининг «Чорвадор» деб номланган кичик корхонасига моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда. Бу корхона бир маромда ишлаяпти. Албатта, келажакда бундай ишбилармон тадбиркорлар сафи кенгайиб бораверади, бунга ишончимиз комил. Чунки, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кейинги вақтларда қабул қилинган Фармонлар ва қарорлар янада кенг йўл очиб беради. Ўз навбатида шаҳар ҳокимлиги ҳам шу олижаноб ишни кенгайтириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда.

«Гулшан» хусусий кичик корхонаси раҳбари Тўлқин ҲАЙДАРОВ:

— Очиғини айтганда, тадбиркор бўлиш осон эмас. Бунинг учун бир зум ҳам тинибтинчимаслик, доим изланишда бўлиш, имкониятларни қидириш лозим. Халқимиз ҳаракатда баракат, деб бежиз айтмаган. Шунинг учун янги шериклар, сармоядорлар топиш, уларни ишга жалб қилиш, айни вақтда, материаллар ва хом ашё таъминотида барқарорликни юзага келтириш зарур. Бу эса ҳар бир тадбиркордан кўп куч-ғайрат талаб қилади. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш, ишнинг бир маромда боришини таъминлаш мумкин.

Бу ҳаракатнинг ривожланишига ғов бўлаётган тўсиқларнинг ҳам анчагина борлиги ачинарлидир. Уларнинг ҳаммаси ҳақида тўхтаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Лекин, айримларини тилга олиш мумкин.

Ишбилармонларга ёрдам бериш учун махсус «Тадбиркор» банки ташкил этилди. Унинг бўлинмалари вилоятимизнинг деярли барча шаҳар ва туманларида бор. Бу яхши. Лекин, масаланинг иккинчи томони шундаки, бу банк қарзни ниҳоятда баланд фоиз билан беради. Йиллик фоиз миқдори 200 ва ундан ҳам ошиқ бўлади. Бу тадбиркорлар учун ниҳоятда ноқулайдир. Ахир қарз олиб, унинг ёрдамида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, даромад ва фойда олиш анча вақтни талаб этади. Шунинг учун қарзлар фоизини камайтириш масаласини ўйлаб кўриш вақти келди.

Иккинчи бир муҳим масала ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Хусусий корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариши учун хом ашё, материаллар, технологик асбоб-ускуналар керак бўлади. Уларнинг ҳаммасини ҳам вилоятимиз ёки республикамиздан топиш мумкин эмас. Яқин ва узоқ чет эл мамлакатларидан келтиришга тўғри келади. Бунинг учун эса валютамиз етишмайди. Пулимизни чет эл пулларига алмаштириш амалда қийин бўляпти. Тўловлар ҳам ўз вақтида ўтказилмайди. Бизнингча, бу соҳада ҳам қулайроқ тартиб ўрнатиш лозим.

Бу ва бошқа шу каби муаммолар ҳал қилинса, тадбиркорлик тизилмаларининг фаолиятидаги ижобий силжишлар янада салмоқлироқ бўлар эди, деб ўйлайман.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ҲАММА ОИЛА ЭЪТИБОРДА

Юқоричирчиқ туманида аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш борасида белгиланган қарорларни амалга ошириш билан бир қаторда ички имкониятлар ҳам ишга солинмоқда

Туманда республика Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари асосида кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш юзасидан 1995 йилда ҳам аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Биз туман ҳокимининг муовини Мирзааҳмад БЕКЕШЕВ билан ана шулар ҳақида суҳбатлашдик.

--Мирзааҳмад Бекешевич, Сиз билан учрашишдан олдин жамоа хўжаликларида, маҳаллаларда бўлдик. Кексалар, ногиронлар, уруш қатнашчилари билан суҳбатлашдик. Улар эътиборсиз қолмаётганликлари, зарур моддий ёрдам олиб турганликларидан мамнун эканликларини айтмоқдалар. Туманда бунга қандай эришилмоқда?

— Ўзингизга маълум, бозор муносабатлари шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш йўналиши Президентимиз мустақил мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида белгилаган беш тамойилнинг биридир. Бу йўлнинг жуда тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Сўнгги йилларда ана шу мақсадга қаратилган республика Президентининг фармонлари натижаларига назар ташлайлик. Деҳқонларга уй-жой қуриш, томорқа учун ер ажратилиши, ўқитувчилар, шифокорларга давлат уйларининг бепул хусусийлаштириб берилиши, муаллимларга коммунал хизмат борасида яратилган имтиёзлар, пенсионерлар учун нафақаларнинг, талабалар стипендияларининг бир неча марта оширилиши ана шу тамойил республикада изчил рўёбга чиқаётганлигининг далилидир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг такомиллаштирилиши туфайли маҳаллаларнинг роли ошганлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Айниқса маҳаллалар қўмиталари оқсоқолларига кенг имкониятлар яратилди. «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси, унинг вилоят ва шаҳар ҳамда туманларда бўлимларининг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Ушбу фармон халқимизда катта мамнуният уйғотди. Орамизда саховатли кишилар, ташкилотчилар кўп бўлганлиги учун ҳам тезда бу хайрли иш ўз самарасини кўрсатди. 1993 йилнинг июнь ойида ҳоким қарори билан ташкил этилган «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими маҳаллаларимиз фаоллигини ошириш, ёшлар тарбиясини кучайтириш, миллий урф-одатлар, қадриятларимиз, удумларни қайта шакллантириш билан биргаликда, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бермоқда.

Шуниси қувончлики, жамғармага туман ҳокимлиги, худудимиздаги барча корхоналар, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар маблағ ўтказдилар. «Маҳалла» хайрия жамғармасига айниқса, «Политотдел», «Гулистон», «Ийкота» жамоа хўжаликлари, 5-автокорхона, туман халқ таълими бўлими, «Бинокор» кичик корхонаси жамоалари катта ҳисса қўшдилар.

-- Бу жамғарма маблағларидан фойдаланишда ҳам ўзига хос тартиб бўлса керак?

— Аввало, бу маблағлар ҳисобига қишлоқларимиздаги маҳаллалар қошида кичик корхоналар, қўшимча ишчи жойлари ташкил этиш, аҳолининг ишга яроқли табақаларини меҳнатга жалб қилишга интиляпмиз. Бу ҳам кишиларни ижтимоий ҳимоя этиш, оилалар бюджетини мустаҳкамлашнинг бир йўлидир. Шунингдек, ундан байрамларда, ночор оилалар, ёлғиз қариялар, етимлар, туғма ногиронлар ва ўта муҳтож кишиларни моддий қўллашда фойдаланяпмиз. Биз — ёрдам ҳақиқатан ҳам зарур оилаларга, кишиларга тегишини таъминлашимиз керак. Бу борада тумандаги 88 маҳалла оқсоқолларининг тавсиялари, маслаҳатлари, мурожаат хатлари биз учун асосий дастур ҳисобланади. Бошқача айтганда оқсоқоллар муҳтож кишиларни ёки бошига кулфат тушган оилаларни аниқлаб, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси туман бўлимига ариза билан мурожаат қиладилар. Бу аризалар кўриб чиқилиб ҳал этилади. Жамғарма ташкил этилгандан буён 148 ёлғиз қария биздан доимий ёрдам олиб келмоқда. Бундан ташқари ногиронлар, кўп болали оилалар ҳам ижтимоий ҳимоямизда. Уларга ўтган йили «Маҳалла» ҳайрия жамғармасидан анчагина маблағ ажратилди. Хусусан, 1994 йил Наврўз байрамида 140 кишига моддий ёрдам кўрсатилди. Бир неча ночор оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Уларнинг ҳар бирига омонат дафтарчалари очилди. Биз жамғарма маблағи ҳисобидан фалокат туфайли уйлари ёниб кетган икки оилани шифер билан таъминлашга кўмаклашдик. Гоҳо «Маҳалла» ҳайрия жамғармасига беморлар дори-дармон сотиб олишда қийналаётганликларини айтиб, ёрдам сўраб мурожаат қилмоқдалар. Уларга ҳам баҳоли қудрат кўмаклашиб келяпмиз.

Президентимизнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тумандаги фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар фаоллари ночор оилалар турмуш тарзини ўрганиб чиқишди. 1995 йилда ариза билан мурожаат қилган 4100 нафар кишидан 3842 нафарига нафақа белгиланди. Шу кунгача мазкур фармон асосида кам таъминланган оилаларга 2 миллион 805 минг сўм ёрдам кўрсатилди.

-- Туманда аҳолини ижтимоий муҳофаза этишда яна қандай ички имкониятлардан фойдаланилмоқда, келгусидаги режалар ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўринли савол бердингиз. Мен бу ҳақда алоҳида тўхталмоқчи эдим. Туманимизда кам таъминланган оилалар фақат «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси туман бўлими ёки Президентимиз фармони асосида давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдамдан фойдаланибгина қолмай, жамоа хўжаликлари, саноат корхоналари саховатидан ҳам баҳрамандлар. Хусусан, ўтган йили ҳар бир хўжалик ўз худудидаги оилаларни ун, шоли, ёғ, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлади. Чорваси бор хонадонларга омухта ем, сомон, пичан ажратилди. Айни пайтда ҳар бир байрамда кам даромадли оилалар, кишиларни озиқ-овқат маҳсулотлари, газлама буюмлари билан йўқлаш ҳам одат тусига кирган. Ўтган йили хўжаликлар мингдан кўпроқ оилага ана шу йўсинда моддий ёрдам кўрсатдилар.

Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашда даволаш муассасалари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Ўтган йили мустақиллик байрамида туман марказий шифохонаси ва юқумли касалликларни даволаш муассасаси 7 та ночор оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб бердилар. «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси туман бўлими томонидан уларнинг ҳар бирига 100 сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.

Туман ҳокимлиги кам таъминланган оилаларга мавжуд йўналишлар орқали моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга, улар учун янги ишчи ўринлари очиш, кичик ва қўшма корхоналарга бундай кишиларни жалб этишга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, ўтган йили янги иш жойларини ташкил этиш учун меҳнат биржаси орқали «Учқун» қўшма корхонасига, «Тажриба» ширкатига, «Шарқ» кичик корхонасига, «Уста-шогирд» хусусий корхонасига салмоқли маблағ ўтказилди. Шу йўл билан 4-механизациялашган қўчма колоннада янги иш жойлари очилди. 1994 йилда 635 та янги иш жойи ташкил этилиб, 352 нафар киши иш билан таъминланди.

Бизнинг янги йилдаги режаларимиз ҳам катта. Мавжуд корхоналар ва ташкилотларда талаб бўйича 1160 та ишчи ўрни ташкил этилади. Бу мақсадда биз мавжуд давлат корхоналари билан ҳам мунтазам ҳамкорлик қилиб турибмиз. Айни пайтда туманда кичик корхоналар очиш давом этади. Кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси бўлими, қишлоқ, қўрғон фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар оқсоқоллари фаоллиги янада кучаяди.

Ўтиш даврида халқимизнинг муҳтож табақаларини ҳимоялаш, уларга тегишли ёрдам бериш — ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ҳам давом этади... Одамларимизнинг аҳвол руҳиятидан хабардор бўлиб турайлик. Бир-биримизга кўмаклашайлик.

И. КАРИМОВ.

ҲАР ТЎКИСДА БИР АЙБ

ёки Қуйичирчиқ туманидаги айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги ва масъулиятсизлиги оқибатида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг оқсаётганлиги хусусида

ДЕҲҚОН бадавлат бўлса, юртимиз обод бўлиши муқаррар. Шундай экан, иқтисодий ислоҳот қишлоқдаги ҳозирга ижтимоий-иқтисодий муҳит тақозо этаётган тамойилларга оғишмай амал қилишимиз керак. Президентимиз «Хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотнинг асосий шарти» деган экан бу сўзлар замирида чуқур маъно бор. Демак, қишлоқда мулкчилик шакллари, одамларнинг ишга, меҳнатга муносабати ўзгармас экан, ҳаётда кутилган самара ва ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Хўш, ана шу давр талаби, замон тақозоси Қуйичирчиқ тумани қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида қандай амалга ошяпти?

— Ўтган йили қишлоқ хўжалиги соҳасида 12 та жамоа хусусий мулк шаклида ишлашга ўтди, — дейди Қуйичирчиқ тумани деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси Б.Эрматов. — Жумладан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 5 та ферма тажриба ферма хўжалиги уюшмасига бирлашди. Улуғбек номли жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси «Наврўз» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигининг фермаси ҳам «Саркор» хусусий мулк мақомини олди.

... Суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, туманда фермерлик ҳаракати 1992 йилдан бошлаган бўлиб, 1993 йилда у 38 тани, бултур 73 тани ташкил этган. Яъни ўтган йили фермерлар сони деярли икки бараварга ўсган. Хўш, бу озми, кўпми? Агар Президентимизнинг қайта-қайта уқтириб келаётган «Қишлоқ хўжалигида унумли ишлайдиган кишилар қолсин, эҳтиёжни қондириш учун аҳолининг 55-60 фоизи эмас, 5-10 фоизи кифоя қилади» деган гапларини инобатга олсак, бу ҳали-бери кўнгил таскин топадиган рақам эмас. Агар вилоятимизда бугунги кунда 2400 дан зиёд фермер (деҳқон) хўжаликлари мавжуд бўлса, туманда бор-йўғи 73 та фермер (деҳқон) хўжалиги фаолият кўрсатаётганини қандай баҳолаш керак? Балки туман раҳбарлари фермер хўжаликлари сафини «сунъий равишда кўпайтириш»га қарши чиқиб, ана шундай қилишаётгандир? Ким билади дейсиз яна, балки фермер бўлишни, ҳалол меҳнат қилиб бойлик орттиришни, ўзи ва халқини боқишни хоҳловчи муносиб кишилар топилмаётгандир?

Ҳар жабҳада тарозининг тоши тўғри қўйилмаса, иш олға босмайди. Тумандаги жами 73 та фермер хўжалигининг 62 таси чорвачиликка ва 11 таси деҳқончиликка ихтисослашганини биз «тарозининг тоши тўғри қўйилибди» деган маънода тушундик. Чунки, туманда чорвачилик оғир аҳволда. Кейинги йилларда чорва молларининг туёғи, маҳсулдорлиги кескин камайиб кетди. Чорвадор фермерлар сафининг ортиши ана шу тармоқда қолоқликдан чиқишга умид бағишларди. Хўш, ўша умиднинг умри бугун қандай кечяпти?

Келинг, яхшиси ўтган йил якунларига разм солайлик. Янги ташкил этилган «Наврўз» ҳиссадорлик жамияти ва «Саркор» фермер хўжалиги жамоалари яхши меҳнат қилиб, дурust натижаларни қўлга киритдилар. «Наврўз» қарамоғида 155 бош қорамол бўлиб, шундан 75 боши соғин сигирлардир. Ўтган мавсум ҳар бош сигирдан 2720 литрга етказиб сут соғиб олинди. Давлатга жами 204 тонна сут, 10 тонна гўшт сотилди. «Саркор» фермер хўжалиги қарамоғида эса 531 бош қорамол мавжуд. Шундан 246 таси соғин сигирлардир. Чорва молларини яхши парвариш қилингани учун кўрсаткичлар ҳам чакки бўлмади. Ҳар бир сигирдан мавсумда 2850 литрдан сут соғиб олинди ва давлатга жами 815 тонна сут етказиб берилди.

Ўтган йил кузидан туманда биринчи «Қува» боғдорчилик фермер хўжалиги ҳам ўз фаолиятини бошлаб юборди.

— Менга ажратиб берилган ер майдони 15 гектарни ташкил этади, — деди боғбон-фермер Одилжон Мақсудов. — Шундан 10 гектари боғ, бир гектари узумзор, тўрт гектари суғориладиган ерлар, Айни вақтда чорвачилик ва паррандачилик билан ҳам шуғулланамиз. Жами 860 бош қорамолимиз, 253 бош қўй, 113 та от, 1780 та товуғимиз бор.

— Шунча мол-мулк ташвиши бир кишига оғирлик қилмайдими? — сўраймиз ундан.

— Начора, машаққат чексангина роҳатга эришасан. Аслида биз кўпчиликмиз, мен эса уларга йўриқчиман.

Беруний номидаги жамоа хўжалигидаги «Уч оғайни» паррандачилик фермер хўжалиги, «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги «Ажохун» ва бошқа қатор фермер хўжаликларини ана шундай ҳақиқий фидойи ва ишбилармон мулкдорлар қаторига киритиш мумкин.

Муҳиддин Бўтаев раислик қилаётган «Уч оғайни» фермер хўжалигида бугун 1700 та венгер латидир.

Лекин «ҳар тўкисда бир айб» дейдилар. Карвон ортида судралаётганлар маҳсулдорликда энг паст кўрсаткичларга эришаётганликларига қарамай, уларнинг баъзилари бир неча йиллардан буён ҳеч қандай маҳсулот топшираётганлари йўқ. Мисол учун тумандаги Улуғбек номли жамоа хўжалигини олиб кўрайлик. Бу ердаги 5 та чорвачилик фермер хўжалигидан 3 тасининг фаолияти талабга мутлақо жавоб бермайди. Фермер Мўйдин Ҳамидов 16 гектар ер, 24 бош қарамол (5 боши сигир), 4 та қўй ва битта оти бўлишига қарамай, бултур бор-йўғи 6,2 тонна сут, 550 килограмм гўшт етказиб берди, холос. Сидиқжон Тошев 11 гектар ери, 14 бош қорамоли, 7 та қўй, оти ва Турғонбек

Ғалабанинг 50 йиллиги

УРУШ НОМИНГ ЎЧСИН ЖАҲОНДА

Бутун ер юзини ларзага солган, миллион-миллион бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиб, қанчадан-қанча норасидаларни етим қолдирган, неча-неча оналарни фарзанд доғида куйдирган қирғинбарот урушнинг тугаганига ҳам эллик йил бўляпти. Айни кунларда ана шу санага барча МДҲ давлатлари қатори республикамизда ҳам қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Куни кеча пойтахтдаги Марказий давлат архиви биносида кенг жамоатчилик вакиллари, журналистлар ва мактаб ўқувчилари билан уруш фахрийларининг учрашуви бўлиб ўтди. Қизиқарли ўтган учрашувда республика фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, генерал-лейтенант С.Охунжонов, Тошкент вилоят фахрийлар кенгаши раиси А.Алимов, Марказий давлат архиви директори Э.Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар юртдошларимизнинг қонли жанггоҳларда кўрсатган жасоратлари, фронт ортида кеча-кундуз меҳнат қилиб, топганини фронтга юбориб, ғалабага ҳисса қўшган мардона-сингилларимиз ҳақида сўзлаб бердилар.

Учрашув сўнгида йиғилганлар Марказий давлат архивининг иккинчи жаҳон уруши бўлимида бўлиб, у ерда сақланаётган нодир экспонатлар билан танишдилар.

А.РАЙМОВ

УСМОН ЮСУПОВ ТУҒИЛГАН КУНГА 95 ЙИЛ ТЎЛДИ

ХАЛҚНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ ЭДИ

Усмон Юсупов ва машҳур халқ соҳибкори Ризамат ота Мусамуҳамедов.

Халқимиз юрт фаровонлиги, эл бахт-саодати йўлида катта хизмат кўрсатган фидойи инсонлар номини ҳамиша иззат-ҳурмат билан тилга олади, барҳаёт сиймолар қаторида ҳамиша ёдда сақлайди. Ана шундай сиймолардан бири таниқли давлат ва жамоат арбоби Усмон Юсуповдир. Дарҳақиқат, Усмон ота халқ учун яшаб, ўз халқи бахт-саодати йўлида кўп йиллар ҳалол хизмат қилган, ёрқин истеъдодли, жўшқин ғайратли, меҳнатсевар инсон эди.

Усмон Юсуповнинг бу хислатлари урушдан илгариёқ Ўзбекистонимизда жуда кўп ва катта суғориш иншоотларини қуришда намоён бўлди. Пахта учун ўзбек деҳқони асрлар мобайнида ташна бўлиб қақраб ётган ерларни сув билан таъминлаш учун бошлаган умумхалқ курашида Усмон Юсупов ташаббускор бўлди ва раҳбарлик қилди. Тарихда мисли кўрилмаган 45 кун ичида Катта Фарғона канали қуриб битказилиб, оби-ҳаёт бера бошлади. Ҳозирга қадар халқимиз учун хизмат қилиб келаётган бу канал Усмон Юсупов номи билан бевосита боғликдир. Усмон Юсуповдан дўстлари «Ҳаётингиздаги энг муҳим воқеа қайси» деб сўрасалар, «Фарғона канали» деб жавоб берган экан. Таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг «45 кун» романида ана шу улкан қурилиш бунёдкорлари, уларнинг катта меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Қисқа муддатда кетмон билан Катта Фарғона каналининг қазиб бўлингани, умумхалқ ҳашарида халқимиз кўрсатган жасорат ва мардлик ҳозиргача ҳориж мамлакатларида зўр қизиқиш уйғотиб келмоқда. Шу кунларда америкалик ёзувчилардан бири канал тарихи ҳақида асар ёзаётгани ҳам бунинг исботидир.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган бугунги кунда халқимиз садоқатли ўғлонининг эл-юрт учун қилган меҳнатларини яна бир ёдга олиш ўринлидир. Уруш йилларида республикамизнинг иқтисоди ва ишчи кучлари, ресурсларини душманга зарба беришга сафарбар этиш ишида Усмон ота кўп ғайрат ва шижоат кўрсатди. Ўша йиллари Ўзбекистонга жуда кўп саноат корхоналари кўчириб келинди. Улар қисқа вақт ичида ишга туширилиб, фронтга самолёт, миномет, снаряд ва бошқа мудофаа қурол-аслаҳаларини етказиб бера бошлади. Албатта, бундай ишлар бошида ўша пайтда Ўзбекистон партия Марказий қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Усмон Юсупов турарди.

Тошкентга уруш йилларида кўчириб келинган самолётсозлик заводининг бир гуруҳ ишчилари 1965 йилда Халқобод комбинатига Усмон Юсуповга миннатдорчилик билдиргани келганликларининг гувоҳи бўлганман. «Ўша оғир йилларда Усмон Юсупов кечасию-кундузи заводни қайта тиклаш ишлари билан шуғулланар, ҳар бир цехнинг тезкорлик билан ишга туширилишини таъминлаш тадбирларини кўрардилар. Аҳвол билан атрофлича танишиб, керакли ёрдамни асло аямасдилар», дейишиб жуда кўп илиқ гаплар билан у кишини хотирлашди.

Ана шундай фидойиликлари, катта хизматлари эвазига Усмон Юсупов юксак орден билан тақдирланади. Мукофотни топшираётиб, собиқ иттифоқ оқсоқоли Калинин бундай деган экан: «Усмон, сен фронтимиз орқасининг маршалисан, сендай маршаллар билан албатта ғалаба қиламиз».

Ўзбек халқи уруш давом этаётган шаҳар-қишлоқлардан кўчириб келтирилган миллиондан ортиқ аҳолини, ота-онасидан жудо бўлган 200 минг болани ўз бағрига олади. Бу инсонпарварлик ва байналмиллаллик намунаси бўлган ишларга ҳам Усмон отанинг ўзлари бош-қошлик қилганлар.

Усмон отани туғма қобилиятга эга бўлган инсон десак асло муболаға бўлмайди. Янгийўл туманида 10 минг гектарлик майдонда боғ ва узумзорлар барпо қилинди. Бунда отанинг ўта ташаббускорлиги қўл келди. Эндиликда бу боғ халқимиз дастурхонини тўкин қилишга хизмат қилмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, бу боғ-роғлар республикамизда пахта якка ҳокимлиги авж олиб келаётган бир пайтда 5 та пахтачилик хўжалигининг ўрнида ташкил қилинган эди.

Усмон ота бундай ишлар билан қаноатланиб қолмай боғ-роғларни янада кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Комбинатнинг ерларига чегарадош Қозоғистон республикасидан ер сўраб олиб, ўттиз минг гектарлик боғ экиб, ихтисослашган боғдорчилик райони ташкил қилиш орзусида эдилар. Ҳатто Қозоғистон ерларига сув чиқариш мақсадида Жанубий Тошкент каналини кенгайтириш ишлари бошлаб юборилган эди. Минг афсуски, отанинг бу яхши ниятлари амалга ошмади, умр калталик қилди.

Усмон Юсуповни таърифлаб, мотам маросимида йирик арбоб Шараф Рашидов шундай деган эди: «Усмон Юсуповнинг қадами қаерга етган, қўли қаерга теккан бўлса, ўша ер обод бўлди, унинг қўли боғроғлар яратди, гул ҳаёт яратди». Ушбу сатрларда Усмон Юсуповнинг маънавий қиёфаси ўз-ўзидан равшан.

Ҳа, Усмон ота Юсуповнинг жуда кўп ва катта хизматлари тарих зарварақларидан ўрин олган. Мен эса унинг бошқа сафдошлари қатори Усмон ота билан бирга ишлаш, унинг маслаҳатлари, ўгитларини олиш бахтига муяссар бўлганлигимдан фахрланаман.

Ҳурматли ватандошлар! Уруш ва меҳнат фахрийлари! Усмон Юсуповнинг сафдошлари! Мен бугунги кунда табаррук даргоҳ — Усмон Юсупов ўй-музейининг раҳбари сифатида Сиз азизларга мурожаат қиламан. Усмон ота ҳақидаги хотиралар, таассуротларингиз, ҳужжатлар, фотосуратларингиз бўлса, бизга етказсангиз, музейимизнинг бойишига ўз улушингизни қўшган бўлардингиз.

Мансур ҲАЙРУЛЛИН,
Усмон Юсупов ўй-музейи раҳбари.

Собиқ жангчининг ён дафтаридан

БИЗ ЎТГАН ЙЎЛЛАР

Тақдиримиз камон қошда айланди,
Ишимиз тегирмон тошда айланди.
Жанг-жадалда ўлим бошда айланди,
Обидийда кўз-у, қошда айланди.

Ватан сўзин айтиб бошлашди бизни,
Жаҳаннам тубига ташлашди бизни,
Жанговар дўст эдик, эслайман сизни,
Ўлганлар аралаш-лойга жойланди.

Бу «ҳунар» чўзилди, тўхтамай беш йил,
Тошдай қотиб кетди инсондаги дил.
Кимга қарамагин ранглари захил
Яхши гап айтолмай тиллар чайналди.

Кўплар лагерларда мангу тиндилар,
Ёшлик орзулари абад синдилар.
Бирини ўтиндай печга тикдилар,
Бирининг териси шилиб ошланди.

Зафар кучган солдат, командир мажруҳ
Ногирон-биринчи, иккинчи гуруҳ.
Қирқ тешик баданнинг қаерида руҳ
Яшашга қасд қилиб, қайта шайланди.

... Эллик йил бўлибди ёғоч оёқда,
Бировлар ҳассаю, қўлтиқ таёқда.
Соғлиқ ўтиб кетди, шиддат қаёқда,
Дўстларни хотирлаб гуллар сайланди.

Бугун тўй, ғолиблар ккрагига боқ,
Камтарин, букчайган, сочлари оппоқ,
Улар хизматларин ўзи айтсин ҳақ,
Тинчлик бўлсин дея тиллар қайралди.

Шул янгради ҳар ерда такрор,
Ўзбекнинг ўзидай мунис номус-ор.
Ўтганни қўшиққа жойлади Хумор
Шукр, қурол бу кун торга айланди.

Абдуғаффор УБАЙДУЛЛАЕВ.

ФРОНТ ҲАНГОМАЛАРИ

Урушда бўш вақт бўлди дегунча аскарлар окопларда, ертўлаларда фронт рўзномаларида ўқиган ва ўзлари тўқиган латифа, ҳангомаларни ва ҳазил ҳикояларни айтиб, ҳордиқ чиқаришарди. Мана улардан бир шингил.

ДЎХТИР ҲУЗУРИДА

Дўхтир: Вой-бўй, фриц, ўзинг пиликдек озғинсан-ку, оғирлигинг аллақанча-я?

Фриц: Ажабланманг, дўхтир жаноблари, Сталинграддаги жанглардан кейин, менинг оёқларим зангламайдиган пўлатдан ясалган.

ДУШМАН ОКОПИДА

— Фюрернинг онаси ёшлигидаёқ ўлиб кетган эмиш дейишади.

— Аттанг, туғмай туриб ўлмаган экан-да, баччағар!

ШАХСИЙ КУЧЛАР

Сўнгги жангдан кейин фашист офицери ўз аскарлари ҳисобини олмоқчи бўлиб, ортга қараса, қаршисида ёлғиз солдатдан бўлак зот йўқ.

— Менинг ротамда қанча одам қолди? — деб сўради солдатдан.

— Фақат сиз жаноби офицер, — деди аскар.

— Сен-чи, сен кимсан?

— Мен бошқа ротаданман, қочиб келяпман.

ТАНҲО ЙЎЛ

— Руслар танамдан суғириб олмаслиги учун бошимни қандай асрасам бўлади, айтсангчи, Карл?

— Бу жуда осон, иккала қўлингни бошингдан баландроқ кўтарасан, холос.

Фронт ҳангомаларини хатга туширувчи Акром АҲЗАМОВ, уруш ногиронн.

ЧИН ЧИНОРГА ЧАНГ ЮҚМАС

ТЎЙҲАТ ЎРНИДА

«ИНСОН қанча умр кўради? Кўп яшашнинг сирлари нимада? Бир одам ҳаётини кўздан кечирган киши бу саволларга бир қадар тўғри жавоб топиши мумкин».

Менинг рўпарамда ўтирган ёқимтой чеҳрали, ҳар бир сўзидан чуқур маъно уфуриб турган, кўзлари катта-катта, барваста гавдали отахон юқоридаги сўзларни айтди-ю, узоқ ҳаёл оғушига шўнғиди. Бироздан сўнг тин олиб, ҳикоясини давом эттирди. Ҳа, тўқсон ёшга кирган отахоннинг ҳар бир сўзи дил торларини чертиб, мозийга етаклар эди.

...1905 йил баҳор ойининг дастлабки кунларида Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳаси Қудуқбоши маҳалласида истиқомат қилаётган оддий деҳқон Абзалхўжа ака оиласида бир фарзанд дунёга келди. Бир неча кундан сўнг унинг қулоғига азон айтган боболари Нажмиддинхўжа шундай дуо қилдилар: «Узоқ умр кўргин, эй болажоним. Инсонлар орасида ҳам чинорлари бўлади. Сен ҳам ана шундай чинор бўлиб етишгин. Чин чинорга чанг юқмас, дейдилар машойихлар. Ўз халқингга, ўз юртингга азим туп чинор сингари хизматда бўлгайсан...»

Ҳаёт — тахтиравон йўл эмас. Бу йўлда гоҳо қувончларга, гоҳо қийинчиликларга дуч келади одам боласи. Тақдир эндигина эсини таниган Орифни ҳам синовдан ўтказа бошлади. Отадан барвақт етим қолган болакай саккиз ёшида Фарғонадаги амакиси Набиҳўжа қўлида вояга ета бошлади. Ҳали мўйлаби сабз урмаган нимжон ўспирин тўғри келган ишларни адо этиб, ўзига бир бурда нон топишга киришди.

Фарғона шаҳрининг Биринчи бозор кўчасидагилар ҳа демаёқ абжир хизматчи, югуриб-елиб ишлайдиган Тошкентдан келган болага меҳр қўйиб қолдилар. Ана шундай яхши одамлардан бири бир куни йигитчага савобли маслаҳат берди. «Бу ишлар ўз йўлига, ўғлим. Саводингни чиқаришни ҳам ўйлагин».

1922 йил бошларида Ориф яна Тошкентга йўл олди. Амакиси Турсунхўжа қарамоғида бўлиб, саводини чиқара бошлади.

1923 йиллар. Ейиш-ичиш анча танқис эди. Ўн саккизни қоралаб қолган Ориф ҳаммаҳалла қизлардан бирини «кўз остига» олиб қўйган эди. Уйланай деса пул йўқ. Нима қилиш керак. У Тошпўлат, Акром, Улуғхўжа деган бинокор усталарга шогирд тушди.

Кунларнинг бирида жанггоҳга — томошага бориб қолган йигит қалбида бир фикр туғилди. Чунки, бу ерда ҳар куни машҳур полвонлар кураш тушар, ўртага жуда катта пул тикилар эди. Нодир полвон, Қодир полвон, Маҳмуд полвон, Зайниддинхўжа, Маҳкам полвон... Улар кўпчилик бўлиб, уларнинг белини ушлаш осон эмас эди.

Ориф юрак ютиб, ўртага тушди. «Омад мендан юз ўгирмаган. Бобомнинг дуолари мустажаб бўлса, ажаб эмас...». Ҳадемай Ориф полвоннинг номи чиқиб қолди. У деярли ҳамма полвонлар курагини ерга тегизган эди. Охиргиси — Шокир полвон эди.

Тумонат одам йиғилди. Ёш бўлса ҳам Ориф полвон анча тажрибали бўлиб қолганди. Унинг ўзига хос сирли ҳадислари бор эди. Ўртада турган Шокир полвоннинг олдига яқинлашди-да, унинг қулоқларига шивирлади: «Ҳалол тушасиз, акс ҳолда бошқа полвонларга ишлатган, тўс-тўполонда ҳеч ким пайқамаётган ғирром сирингизни очиб қўяман». Шокир полвон нимтабассум қилди. «Оллоҳ гувоҳ, сенинг айтганинг бўлади».

Кураш узоқ давом этди. Шокир полвонни йиқитиш осон эмасди. Бир маҳал ўта ҳориган, жиққа терга тушиб кетган Ориф полвон атрофни ларзага солиб, наъра тортди-да, рақибини даст кўтариб, боши узра айлантириб, ерга урди. Тўшамадан чанг кўтарилиб кетди, қийқириқ авжига чиқди. Ўртадаги ҳакам катта қийиқча тўла пулни — совринни Ориф полвонга тутқазди.

ТАРИХИЙ РАСМ: суратда О.Абзалов ва машҳур бастакор Юнус Ражабий (1960 й).

Орадан бир неча кун ўтди. Ориф полвон курашда орттирган дастмояси эвазига катта тўй қилди. Турсунхўжа оиласига келин келди. Унинг исми Адолат эди.

Орифнинг кўнгли энди жойига тушди, таҳсил олишни давом эттириш мақсадида Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг ишчилар куллиётида ўқишни давом эттирди. Бирйўла Тошкентдаги Октябрь заводида оддий ишчи бўлиб тер тўкди.

...Орадан йиллар ўтди. Бир неча фарзанднинг отаси бўлган О. Абзалов эндиликда раҳбар ишларга тавсия этилди. Бухоро вилоятининг бир неча туманларида партия қўмитаси раиси, «Озод Бухоро», «Когон зарбдори» газеталарининг муҳаррири, сўнгра туман партия қўмиталарининг котиби бўлди. 1938 йилда у Тошкентга қайтди. Янгийўл туман партия қўмитасининг биринчи котиби, кейинроқ Тошкент вилоят кенгашида ер бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади.

Шу орада уруш бошланди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати О. Абзалов ҳам биринчилар қатори жангга отланди. Обид Абдураҳмонов, Қодир Абдураззоқов, Қодир Худойберганов сингари тенгдошлари билан фронтга жўнади. У аввало отлиқ дивизияда, кейинроқ тўпчи қисмида капитан унвонида хизмат қилди. Энг оғир кезлар — Сталинград хунрезлигларида қатнашди. Калач шаҳри учун бўлган жангда оғир ярадор бўлган майор О. Абзалов бир неча ой даволангач, она юртига Тошкентга қайтиб келди.

Қаттиқ ногирон бўлишига қарамай, у яна меҳнат қучоғига шўнғиди. Бухоро, Тошкент вилоятларида турли раҳбар лавозимларда ишлай бошлади. Яхши иш — фидойилик ўз самарасини берди. 1957 йилда Ориф Абзалов Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга мушаррраф бўлди.

...Ана энди мақоланинг дастлабки сатрларидаги саволларга қайтайлик. Ориф ота унга жавоб бериб, шундай дейди: «Пок виждонли, ҳалол ишлаган, элим деб, юртим деб, жон қойитган одам узоқ яшайди. Мен бу ақидани ўз умрим давомида синовдан ўтказдим».

Худди шундай. Айни кунларда ўзининг 90 йиллик мовлуд кунларини нишонлаётган Ориф отани чиндан ҳам меҳнатсевар, тўғрисўз, яхши маслаҳатгўй, елкадош биродар, пири-бадавлат инсонлар қаторига киритсак, муболаға бўлмайди. Унинг яқинлари, дўстлари, қуролдош сафдошлари унга яхши ниятлар изҳор қилмоқдалар. «Ҳали юздан ҳам ошиб кетасиз» деган сўзлар тез-тез такрорланиб турипти. Ориф ота «ҳаракат қиламан, 110 ёшларида оламдан ўтган Нажмиддин бобомнинг, 105 ёшида қазо қилган онам — Саидабонунинг ёшларини берса, ажаб эмас», дейдилар кулиб.

Ана шу ниятларингиз сизга ҳамиша йўлдош бўлсин, Ориф ота! Бу эзгу ниятларга «Тошкент ҳақиқати» жамоаси ҳам бажонудил қўшилади.

Р. УМАРОВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ЧОРШАНБА, 1

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Унутилган ўйинлар». Телефильм.
9.15 «Қудол ва ҳунчи». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.40 «Алифбо сабоқлари».
12.10 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
12.30 Инглиз тили.
13.00 «Фахрийлар — фахримиз».
13.50 — 14.25 «Китоб ва ҳаёт».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Нон таъми».
19.40 «Баҳор нашидаси». Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Зулфия ижодхонасида».
21.40 «Ватанни севмоқ иймондандир».
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 30-қисм.
23.30 — 23.55 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Мультконцерт».
19.00 «Бумеранг».
19.30 «Жонли тил».
20.30 «Мусиқий меҳмонхона».
21.30 — 23.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Хазинамиз таянчи».
20.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
21.20 — 00.20 «Спорт қитъаси».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».
***
18.00 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. С. Бандера.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 Э. Радзинский. «Тарих жумбоқлари». «Россиядаги фитначилар». 1-қисм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50 Э. Радзинский. «Тарих жумбоқлари». «Россиядаги фитначилар». 2-қисм.
22.30 — 22.45 «Инсон ва қонун». Махсус кўрсатув.

ПАЙШАНБА, 2

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Баҳор мўъжизалари». Бадиий фильм.
10.30 «Қафолат».
11.00 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 «Созимда севги васфи». Концерт.
12.30 «Болалар меҳмонхонаси».
13.00 «Сизга таъзим».
13.40 — 15.40 «Маърифат» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Алифбо байрами».
18.40 «Ҳилол» студияси. «Авто плюс».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Нигоҳ».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ташаббус». Кўрик-танлов якунларига доир.
21.30 «Мумтоз эттали келдик». Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан артист Раҳматжон Қурбонов ижросида классик ашулалар.
22.15 «Бешинчи рукн». «Ҳажнома». Ҳужжатли-бадиий фильм премьераси.
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Бир шингил ҳангома».
19.05 «Ишингиз бароридан келсин».
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 — 23.05 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ислоҳот ва муаммо».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.15 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
21.25 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
22.05 — 23.05 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».
***
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Миниатюра».
19.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Жон Фреич.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
20.00 «Қишлоқ ҳаёти» Ю. Черниченко билан».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Москва. Кремль».
22.00 — 23.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/4 финал. «Барселона» (Испания) — «Пари Сен-Жермен» (Франция). Испаниядан кўрсатилади.

ЖУМА, 3

БУГУН — ИЙД РАМАЗОН ҲАЙИТИ!

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
10.25 Футбол. «Пахтакор-79». Ҳотира турнири.
11.15 «Ёшлик» студияси. «Бир ўлка-ки...»
12.05 «Дил тароналари». Концерт.
12.35 «Бола бошидан...».
13.15 «Ҳотира». Турсун Собиров.
13.55—15.55 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Шукрона».
18.45 «Бу ҳаёт — жасоратдир». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Маърифатнома».
21.40 «Мақом кечаси».
22.20 «Абдуллажон». Бадиий фильм.
23.45—00.10 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Учқун».
19.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Халқ саломатлиги йўлида».
20.40—22.00 «Келин». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10—19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
20.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
21.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 «Панорама».
22.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.25 «Даракчи».
22.35 Эълонлар.
22.40 Видео— «О».
00.20—00.40 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30—9.00 «Тонг».
***
18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Бомонд».
19.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Ҳафтанинг машҳур киноси».
22.00—23.05 «Детективлар клуби»да. «Машҳур детективлар». Бадиий фильм. 2-фильм — «Ўғирланган ҳат».

ШАНБА, 4

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Мен бир қизни учратдим». Бадиий фильм.
10.30 «Футбол майдонларида».
10.50 Чустий. «Индамаслар диёри».
11.15 «Оламни асрант!».
11.45 Болалар учун. «Дилдан қуйлаб, ўйна қувнаб».
12.25 «Ёшлик баҳори».
13.05 «Кўзгу».
13.35 — 14.05 Мухтор Апрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Санъат олами».
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эръозлаги қўшиқлар».
21.50 «Ёшлик» студияси. «Умид».
22.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам - бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле - ателье - шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 «Кинонигоҳ».
13.55 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).
14.15 — 18.30 «Спорт қитъаси».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Пульс». Хабарлар.
19.55 «Ҳосиятга бўлсин хонадонингиз!».
20.55 «Ҳар соҳадан бир шингил».
21.15 «Гладиаторлар». Спорт-шоу дастури.
21.55 — 23.35 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эҳдалик учун дастхат». Б.Тохтахунов.
10.30 «Айчурек» (қирғиз тилида).
11.05 «Гаитида учрашамиз». Бадиий фильм.
12.35 «Мусиқий саёҳат».
13.05 — 13.45 «Дўстларимиз планетаси».
***
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Истиқлол ва мафкура».
20.25 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
21.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.30 Шарқ қўшиқлари.
22.00 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.15 «Замандас» (қозоқ тилида).
23.05 «Бу ажиб дунё».
23.25 — 23.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 «Бахтли тасодиф».
18.45 «Улкан сайёра».
19.40 «Бешинчи буғчак». Телесериал. 4-серия («Коламбия пикчерс»).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 «Каин ва Авель». Телесериал. 4-серия («Коламбия пикчерс»).
22.35 — 23.15 «Оба-На».

ЯКШАНБА, 5

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Д.Д.Д. ва бошқалар». Спорт тележурнали.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Шоҳруҳ» клуби.
11.00 «Халқ ижодиёти». Оилавий ансамблларнинг телевизион фестивали.
11.30 «Темир эркак». Бадиий фильм.
12.45 «Цирк! Цирк! Цирк!
13.35 — 15.05 Абдулла Орипов. «Жаннатга йўл». Телеспектакль.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Хафтанома» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...».
19.55 «Саодатли сайёралар». Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Офарин-94». Замонавий ўзбек эстрада санъати танлови голибларининг концерти.
22.05 «Бобби». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1—2-сериялар.
00.45 — 01.15 «Хафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Жозиба».
10.25 «Бир шингил ҳангома».
10.35 «Ишингиз бароридан келсин».
10.50 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.10 «Теле - ателье - шоу».
11.20 Видео янгиликлари.
11.45 Янгиликлар.
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 «Кинонигоҳ».
14.15 — 14.35 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).
***
17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.45 Жаҳон географияси.
18.35 Эълонлар.
18.40 Видео — «О».
20.20 Эълонлар.
20.25 «Курьер».
20.45 «... яна об-ҳаво ҳақида».
20.55 «Постфактум».
21.05 «Жаҳон янгиликлари» («Эй-Би-Си»).
21.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.35 «Панорама».
22.05 «Компьютер-Оснё».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Кимга қанақа?»
23.20 «Даракчи».
23.30 Эълонлар.
23.35 — 01.15 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультфильмлар.
9.40 «Жонли сайёра».
10.00 «Коллекция».
10.20 «Менинг кўчам».
10.35 «Олтин атиргул» гори». Кўп сериялы телевизион бадиий фильм (Италия). 6-серия (рус тилида).
11.25 «Маски-шоу».
11.40 Кинематограф».
13.20 — 13.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
***
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Ёшлик» студияси. «Ёшлик оқшоми».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
20.25 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.50 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.05 «Мюзик-холл».
22.45 «Бу ажиб дунё».
23.05 — 23.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.10 «Олдин Арктика». Телевизион ҳужжатли фильм.
18.25 «Уолли қаерда?», «Чиполларнинг саргузаштлари». Мультфильмлар (АҚШ).
19.20 «Эҳ, йўл

ДИЛДАН СУҲБАТ

ОВОЗ СЕҲРИ



Сеҳрли овоз Оллоҳ ато қилган неъматдир. Бундай овоз соҳиблари одамлар орасида кам учрайди.Лекин улар бор...

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛЛОМ ДЕДИЛАР: — Пайғамбарлар мерос қолдирмайдилар. Биздан қолган барча мол-мулк садақа қилинади.

...ЭШИТЯПСИЗМИ, муҳтарам юртдошлар, бу сўзлар қалбларга ҳузур бахш этиб, бутун вужудимизни титратмоқда. Юраклардан юрақларга кўчиб, эътиқод ва иймонга, эзгулик ва саҳоватга чорламоқда. Муборак Рамазон кунлари ҳар оқшом ҳаммамиз алоҳида қизиқиш билан Миср Араб Жумҳурияти ҳадяси — «Муҳаммадур Расулуллоҳ» фильмини томоша қилмоқдамиз. Унинг дастлабки дақиқаларидан бошлабоқ қулоқларимизга юмшоқ, таъсирчан, асабларни чертувчи, бироз маҳзун овоз эшитилади. Бу Афзал Рафиқовнинг сеҳрли нидосидир...

...Одатда кўзни инсон қалбининг кўзгуси, дейдилар. Таъбир жоиз бўлса, овоз ҳам инсон қалби, тафаккури, ақл-идроки, маданияти инъикосидир. Овоз орқали инсон табиатини, унинг ички оламини бемалол уқиб олиш мумкин. Шу боис ана шундай фазилатли кишилар, айниқса, санъаткорлар бундай иқтидорларидан самарали фойдаланадилар, сеҳрли овозларини такомиллаштирадилар, катта санъаткор даражасига кўтариладилар. Ана шу маънода Афзал Рафиқовга омад кулиб боққан, десак хато қилмаган бўламиз.

Мана, йигирма йилдирки, Афзал ака ўзига хос, ҳалим овоз билан деярли ҳар куни хонадонимиз меҳмони бўлади. Зотан, у кинотеатрларимиз ёҳуд ойнаижаҳон орқали намойиш этилган 600 дан ортиқ фильмларда овоз берган.

— Афзал ака, томошабинлар сизни, аввало, театр артисти сифатида билишади...

— Ўзим санъаткор эмас, лекин, санъатсеварлар ойласида камол тошганман. Онам, холаларим дуторни жуда яхши чертишар, улар қатнашган давралар, албатта, файзли ўтар эди.

Тошкентдаги 34-ўрта мактабни тугаттач, тасодифан Тошкент театр ва рассомчилик санъати илмгоҳига қабул ҳақидаги эълонни уқиб, юрагим хаприқиб кетди. «Артист бўламан!» — дедим қатъий. Лекин, орзу ҳар доим ҳам осонликча амалга ошавермас экан. Икки йиллик уринишларим зое кетди. Ниҳоят 1969 йили учинчи уринишда илмгоҳнинг театр ва кино артистлари тайёрловчи куллиёти сиртқи бўлимига уқишга қабул қилиндим.

Албатта, ўша йили отахон Ҳамза театрига оддий саҳна ишчиси бўлиб кирганлигим ҳам ҳаётимда алоҳида урин тутди, деб ўйлайман. Ўша даврда Шукур Бурҳонов, Олим Ҳўжаев, Амин Турдиев, Қудрат Ҳўжаев ва бошқа бир қатор машҳур санъат соҳиблари билан кунда, кунаро мулоқотда бўлиш, янги саҳна асарлари яратиш жараёнида улар билан бирга иштирок этиш менга жуда катта сабоқ, мактаб бўлди. Неча бор машқлар давомида уларнинг юксак ижрочилик маҳоратларига, ҳар қандай ролни қиёмига етказиб талқин этишларига қойил қолиб, қўлимдан болта тушиб кетиб, чапак чалиб юборганларим эсимда. Шу тариқа илмгоҳда олаётган назарий билимларимни амалиётдаги тажрибалар билан бойитиб бордим.

Дастлаб оммавий саҳна кўринишларида иштирок этиб юрдим, кейинчалик кичик ролларни ижро эта бошладим. Лекин, эътибор берсангиз, ташқи кўринишим кўпроқ овруполикларга ўхшаш бўлганлиги учун режиссёрлар менга унчалик рағбат билдиришмас, аксарият рус ёки чет эллик қаҳрамонларни ўйнашни топширишарди. Масалан, «Руйхатларда йуқ»да Плужников, «Нодирабегим»да Хожи Тарсо, «Афгон репортажи»да хорижлик журналист ва ҳоказо...

Баъзан узбек бўлиб, узбекнинг ролини мазза қилиб ўйнолмасам, нима қилдим, театрдан кетаман, деган ҳаёлга ҳам борардим. Ҳамза театридаги бўлинишдан сўнг бир гуруҳ санъаткорлар Аброр Ҳидоятов номли театрда ишлай бошладик. Тула Хўжаевнинг муносиб шогирди, истеъдодли режиссёр Баҳодир Йўлдошев 1991 йили менга Алишер Навоийнинг «Хамса»си асосида яратилган «Искандар» спектаклида буюк шоир Мир Алишер Навоий сиймосини гавдалантиришни ишониб топширди. Асар муваффақияти, Навоий сиймоси ўзига хос янгича услубда талқин этилганлиги ҳақида матбуотларда яхши фикрлар айтилди. Ўша йили асар Қодирий номидаги Узбекистон Давлат мукофотига тавсия этилди, менга эса «Узбекстонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди.

— Томошабинлар сизни жозибали, сеҳрли овоз соҳиби сифатида эътироф этишади. Жумладан, шу уринда ўтган икки йил давомида Узбекистон ойнаижаҳонида намойиш этилган ҳиндистонлик киноижодкорлар томонидан яратилган «Маҳобхорат» фильмини эслаш жоиздир.

— Ҳақиқатан, кейинги пайтларда Узбекистон ойнаижаҳони кинокўрсатувлар таҳририяти жамоаси кўп қисмли фильмларни ўзбек тилига ўгиришга қўл уряпти ва намойиш этяпти. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, «Маҳобхорат» ана шундай биринчи йирик ишдир.

94 қисмдан иборат, кишиларни эзгулик, яхшилик, тотувлик, тинчликка чорловчи, соф муҳаббат, дўстлик, қон-қариндошлик каби юксак инсоний туйғуларни тараннум этувчи ушбу фильм ойнаижаҳон орқали икки йил давомида ҳар якшанба куни намойиш этиб борилди. Таржимон Амир Файзулло бошчилигида таниқли артистлар Римма Аҳмедова, Ойбарчин Бакирова, Ҳожиакбар Нурматов ва мен асар мазмунини узбекистонлик томошабинларга асл ҳолича, ҳатто, ундан яхшироқ етказиб беришга ҳаракат қилдик. Албатта, дастлаб ишларимиз бир мунча қийин кечди. Матн мураккаб, ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумлани бадиий тилда алоҳида маҳорат билан ифода этиш талаб қилинарди. Натижа чакки бўлмади. Фильм яхши кутиб олинди, томошабинларга маъқул бўлди.

— Демак, айни кунларда халқимизга Муборак Рамазон туҳфаси сифатида кўрсатилаётган «Муҳаммадур Расулуллоҳ» фильми ҳам ана шу ижодкорлар гуруҳига бежиз топширилмаган экан-да? Киномухлислар асарнинг узбек тилига муваффақиятли ўгирилганлиги, бунда айниқса, сизнинг ўзингизга хос овозингиз алоҳида руҳ бағишлаётганлигини таъкидлашмоқда...

— Аввало, шундай савобли ишга қўл уришга журъат этилганлигининг ўзини Узбекистон ҳаётидаги катта воқеа дейиш мумкин. Ахир яқиндагина Оллоҳ, Қуръони Карим, Пайғамбар каби сўзларни, ҳатто тилга олишни ҳам ман этган эдилар. Кечагина болаларимизга «дин афъюн, масжидга чиқманглар», деб тазйиқ ўтказишга мажбур эдик. Шукрки, мустақиллик шарофати туфайлигина ўзлигимизни англай бошладик. Динни катта маънавий бойлик сифатида тан олмоқдамиз. Ҳақиқатан ҳам қайси дин бўлишидан қатъий назар у кишиларни эзгуликка, хайрли, савобли ишларга, тинч-тотувликка, покликка, ҳамжиҳатликка чорлайди.

Юртимиз узра нур ёғилмоқда, одамлар қалбида саҳоват, иймон, виждон даъвати, ёнидаги ҳамсоясига елкадош бўлишдек саъй-ҳаракат, чидам, бардош, кундалик рўзғоримизни тобора руҳан барқарор қилиш сингари ҳидоятлар кишилар қалбига чуқурроқ сингиб бормоқда. Бу юртбошимиз Ислом Каримов ва ҳукуматимизнинг олиб бораётган оқилона ички ва ташқи сиёсати туфайлидир. Қатор Шарқ мамлакатлари ва Оврупо мамлакатларининг Узбекистонни узларига муносиб шерик тутаётганлиги баайни ана шу сиёсат ҳосиласидир.

Дунё халқлари яратган маданий бойлик умумбашарийдир. Халқлар уртасидаги маданий алоқалар камол топаверса бу ҳамманинг бойлиги демакдир. «Маҳобхорат», «Муҳаммадур Расулуллоҳ», «Ибн Сино», «Имом ал Бухорий», «Абу Райҳон Беруний» фильмлари ана шундай нодиротлар сирасига киради. Бу фақат менинг фикрим эмас, бу — эзгуликка, яхшиликка, фозилликка интилаётган ҳамюртларимизнинг ҳам фикридир.

— Айни кунлардаги ижодий ишларингиз?..

— Тожикистонлик кинорежиссёр Бақо Содиқов Узбекистоннинг «Инсон» кинокомпанияси (режиссёр Равил Ботиров) билан ҳамкорликда «Имом ал Бухорий» фильмини суратга олмоқда. Унда мен бош роль ижрочиси, таниқли тожикистонлик артист Ато Муҳаммаджоновга овоз беряпман. Дастлаб узбек тилида қандай чиқар экан, деб турган режиссёр, дастлабки машқлардаёқ мени маҳкам қучоқлаб, аъло ижро учун миннатдорчилик билдирди. Шундай дамларда қилаётган меҳнатинг зое кетмаганлигидан кўнглинг таскин топади, янада катта завқ ва илҳом билан ижодга шўнғийсан киши...

Театр саҳнасида эса режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев бошчилигида Жалолиддин Мангуберди спектакли устида иш олиб боряпмиз. Шунингдек, халқимизнинг энг ардоқли, қадимий байрами Наврўз тантаналарида буюк Навоий сиймосини гавдалантириб, унинг улмас ғазалларидан ижро этаман.

Келгуси режалар ҳақида эса олдиндан гапиришни ёқтирмайман.

— Аҳли хонадонингиз ҳақида икки оғиз сўз...

— Рафиқам Шоҳидахон — биолог. Уч ўғлимиз бор, иккисини уйлантирганмиз, набиралларимиз бор. Албатта, тинчи бўлсин эркак уйида, деганларидек, оилавий хотиржамлик бўлсагина, кишининг кайфияти чоғ, ишида унум булади.

Оқшомлари оила аъзоларимиз дастурхон атрофига тўпланганда «Юртимизга тинчлик, оиламизга хотиржамлик, дастурхонимизга тўкинлик, барчамизга сиҳат-саломатлик, фарзандларимизга инсоф ва иноят тилаб юзга фотиҳа тортамиз. Барча муштарийларга, томошабинларга ҳам ана шундай энг эзгу тилакларимиз йўлдош бўлсин».

ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛЛОМ ДЕДИЛАР: — ЯХШИ СЎЗ ДАРАХТИ БУЮКДИР. УНИНГ БИР УЧИ КОИНОТ УЗРА БУТОҚЛАР ЁЗГАН. ИЛДИЗИ ЭСА ЕТТИ ҚАВАТ ЕР ҚАЪРИДАДИР. БИР БИРИНГИЗГА ЯХШИ СЎЗЛАНГИЗ, ИЙМОНГА ДАЪВАТ ЭТИНГИЗ, ОЛЛОҲ ЙЎЛИДАН АДАШМАНГИЗ!..

Зулҳумор ЖУРАЕВА.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

А.Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳи кафедра мудири, доцент Талъат Усмонхўжаев Тошкентдаги 169-мактабда ўқувчилар ўртасида миллий спорт турларини тарғиб қилишда яқиндан кўмаклашмоқда. 5-11 синф ўқувчилари «Чўпон ўйини», «Бўрон ўйини», «Отиб қочар ўйини» сингари 12 хил миллий спорт турлари билан шуғулланишмоқда. Суратда: Т.Усмонхўжаев шогирдлари билан.

Суратқаш Р.АЛЬБЕКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИДА НИМА ГАП?

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон IY миллий биринчилиги байроғи кўтарилишига ҳам бир ойдан камроқ вақт қолди. Барча жамоалар мавсумолди тайёргарлигини кун сайин қизитмоқдалар, сафларини янги ўйинчилар билан тўлдирмоқдалар. Ўтган мавсумдан футбол мутасадди ва мухлислари рози бўлишлари билан бирга бу йил ларни Узбекистон футболчилари қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қола оладиларми, деган ҳадик ҳам ўйлантирмоқда. Буни мамлакат миллий терма жамоаси устозлари ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси раҳбарларию ўйинчилари ҳам яхши тушунадилар. Агар аввллари Халқаро Футбол Федерацияси рўйҳатида Узбекистон футболи умумий 163-ўринда турган бўлса, ўтган йилги муваффақиятлардан сўнг 78-ўринга кўтарилди, Осиёда эса биринчи ўринни эгаллади. Осиё қитъаси мамлакатлари чемпионлари унвонларига сазовор бўлган 45 жамоа баҳсида эса «Нефтчи» клуби совринли учинчи ўринни қўлга киритди. Бу ҳазилакам гап эмас.

Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоаларини бу йил ҳам жиддий синов кутяпти. Мирзоҳид Ғуломов бошчилигида олимпиячиларимиз март ойи бошларида Ҳиндистонга жўнашади. Улар анъанавий Жаваҳарлал Неру хотира турнирида иштирок этадилар. Апрель ойининг сўнгги ҳафтасида Бирлашган Араб Амирликларида ҳалқаро учрашувлар ўтказадилар. 20 май куни эса Бишкекда Қирғизистон терма командаси билан дастлабки расмий саралаш учрашувини ўтказишади.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси Рустам Акромов Ҳиндистонга шартнома асосида ишлаш учун кетиши муносабати билан собиқ пахтакорчи, ҳаммамиз учун яхши таниш бўлган Биродар Абдураимов Ўзбекистон миллий терма командасига бош мураббий этиб тайинланди. Унга Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси бош мураббийси Юрий Саркисян кўмаклашади. Шу кунларда улар март ойининг дастлабки ҳафтасида Японияда бошланадиган халқаро турнирга тараддуд кўришмоқда. Футболчиларимиз куни кеча Қибрай машғулот базасида Новотроицкнинг «Металлург» командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 2:0 ҳисобида ғолиб келдилар.

Энди жамоалардаги айрим ўзгаришлар ҳақида: маълумки, республикамизнинг етакчи жамоаси бўлган Тошкентнинг «Пахтакор» клубига Голландиялик Йоханесе Хендрик Верелс бош мураббий этиб тайинланди. Унга Аҳрол Иноятов кўмаклашади. «Пахтакор» айниқса ўтган мавсум футбол мухлисларини ранжитиб, турнир жадвалининг ўрталарида қолган эди. Улар бу йил чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатиб, «қарз»ларини узмоқчилар. Ҳарҳолда ўз анъаналари ва ўйин услубига эга бўлган «Пахтакор» аввалги шуҳратини тиклаши керак. Жамоалардаги айрим ўзгаришларни ҳам мухлислар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз. Андрей Микляев «Политотдел»да, Равшан Бозоров «Пахтакор»да, собиқ пахтакорчилар Марат Кабаев, Геннадий Денисов, Азамат Абдураимовлар «Навбаҳор» жамоаларида ўйнаш истагини билдирдилар. Жиззахнинг «Сўғдиёна» командаси сафида тўп сурган Р. Аҳмедов ва З. Зиганишинлар марказий Ҳарбий Спорт клуби жамоасига ўтдилар.

Республика IY миллий биринчилиги арафасидаги ўзгаришлар, режалар, мулоҳазалар

Бу йилги мамлакат биринчилигини ўтказиш тартибида ҳам бирмунча ўзгартишлар содир бўлди. Олий табақада аввалдагидек 16 жамоа қатнашса, биринчи гуруҳ жамоалари сафи анча кенгайиб, қатнашчилар сони 26 тага етказилди. Бунда бир қатор вилоят ва Тошкент шаҳар футбол федерациялари истаклари инобатга олиниб, қатнашчилар икки зонага бўлинди. Ҳар бир гуруҳда 13 талан жамоа қатнашади. Сўнгра гуруҳларда 1-6 ўринларни эгаллаган жамоалар биргалашиб, якунловчи учрашувларни ўтказадилар. Ана шу баҳсларда ғолиб келган икки жамоа келаси йил Узбекистон биринчилигининг олий табақасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Биринчи гуруҳда вилоятимиздан Чирчиқнинг «Кимёгар», Янгийўлнинг «Мебелчи», Ғазалкентнинг «Ғазалкент», Қибрайнинг «Маданият», иккинчи гуруҳда эса Бекободнинг «Металлург» жамоалари иштирок этадилар.

Маълумки, республика олий табақа иштирокчилари сафида вилоятимизнинг икки жамоаси — «Политотдел» ва «Чирчиқ» футболчилари ҳам қатнашишмоқда. Ана шу икки жамоамизнинг янги мавсумдаги биринчи давра ўйинлар тақвимини ҳам мухлислар эътиборига ҳавола қиляпмиз.

25 март «Навбаҳор» (Наманган) — «Чирчиқ»
«Политотдел» — АСК (Термиз)
1 апрель «Наврўз» (Андижон) — «Политотдел»
«Чирчиқ» — МҲСК
8 апрель «Темирйўлчи» (Қўқон) — «Чирчиқ»
«Политотдел» — «Янгиер» —(Янгиер)
15 апрель «Атласчи» (Марғилон) — «Политотдел»
«Чирчиқ» — «Суғдиёна» (Жиззах)
23 апрель «Политотдел» — «Чирчиқ».
29 апрель «Чирчиқ» — «Пахтакор»
«Машъал» (Муборак) — «Политотдел»
6 май «Политотдел» — «Нефтчи»
«Трактор» — «Чирчиқ»
13 май «Чирчиқ» — АСК (Термиз)
«Нурафшон» (Бухоро) — «Политотдел»
27 май «Политотдел» — «Навбаҳор»
«Наврўз» — «Чирчиқ»
31 май «Чирчиқ» — «Янгиер»
МҲСК — «Политотдел»
3 июнь «Политотдел» — «Темирйўлчи»
«Атласчи» — «Чирчиқ»
11 июнь «Динамо» (Самарқанд) — «Чирчиқ»
«Суғдиёна» — «Политотдел»
17 июнь «Политотдел» — «Динамо»
«Чирчиқ» — «Машъал»
25 июнь «Нефтчи» — «Чирчиқ»
«Политотдел» — «Пахтакор»
1 июль «Трактор» — «Политотдел»
«Чирчиқ» — «Нурафшон»

Агар эътибор берган бўлсангиз бу йилги мусобақалар тақвими футбол мухлислари учун жуда қулай. Яъни биринчилик ўйинлари шанба ва якшанба кунлари ўтказилади. Мавсумни эса Ўзбекистоннинг янги чемпиони ва кубок эгаси бўлган командалар 12 ноябрда ўзаро учрашув (супер кубок учун) билан якунлайдилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Республика ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади

ВОЙ УКАМ ДЕЯ ОЛМАЙДИ

ТОШКЕНТ вилоятининг Бекобод туманидаги хонадонлардан бирида содир бўлган қотиллик тафсилотини эшитган куни қўшнилар «Ё, алҳазар, наҳотки ака укага ёв бўлса?!» деб ёқа ушлаб қолдилар.

Ўзидан 11 ёш кичик укасининг кўкрагига пичоқ уриб ўлдирган ака оила аъзоларини мотам либоси кийишга мажбур этди. Қўлини укасининг қонига бўяган қонхўр акани ички ишлар ходимлари «Бу бетавфиқнинг вой укам» деб йиғлаши ҳам гуноҳ, деганларича бир йўла тегишли жойга олиб кетдилар.

ҒИШТКЎПРИКДАН ЎТОЛМАДИ

ВИЛОЯТНИНГ Ғиштқўприк ДАН постида Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида яшовчи киши ушланди. Сабаби, у қиймати 26 минг сўм бўлган сариёғни Қозоғистонга олиб кетаётган эди.

ПИЧОҚНИ АВВАЛ ЎЗИГА УРМАДИ

ОҲАНГАРОНлик Олмалиқ шаҳридаги 3-автокорхонада ишловчи 40 ёшли қирчиллама йигит ўз қилмишидан «пушаймон» бўлиб, уксус ичиб юборди. Жавобгарликдан қочиб қолган «қаҳрамон» вақтинча касалхонага тушди.

Аммо ички ишлар ходимлари Эйвалик қўрғонида яшовчи уй бекаси Тошматовани ўлдиришда ундан гумонсирадилар. Мазкур иш прокуратурага оширилди.

АЙБНИ ФАЛОКАТГА ЙЎЙДИ, АММО...

АНГРЕН шаҳрида Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Олмос қишлоғида яшовчи Б. Худойберганов ҳамқишлоғи Раҳимовнинг шахсий МАЗ-500 машинасини бошқараётиб, фожиали автоҳалокат содир этди. Машина тормозининг ишламай қолганлиги туфайли қўлларида чақалоқлари бўлган икки опа-сингил ва бир аёл воқеа содир бўлган жойида ҳалок бўлдилар. Яна уч йўловчи машина зарбасидан оғир жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди. Айбни фалокатга йўйиш мумкиндиру, аммо бандаликни бажо келтирган мунис оналарни болаларига қайтариб беришнинг иложи бормикин? Шу боис ички ишлар ходимлари фожеа тафсилотларини батафсил ўрганишга киришдилар.

ТУРП ТУШИБ ҚОЛДИ

ТОШКЕНТ вилояти Майский ДАН постида Чимкент вилояти Сайрам туманида яшовчи Маликов ўзига бириктирилган «КамАЗ-5320» русумли автомашинасида қиймати 23 минг сўм бўлган 8 тонна турпни Қозоғистонга олиб кетаётганида ушланди. Турпли «деҳқон»нинг бозори йўлдаёқ касодга учради, аммо, турплар суви қочирилмай, бозорга жўнатилди.

ОВЧИ ПАНКИН

ЗАНГИОТА туманида ички ишлар ходимлари томонидан тезкор чора-тадбирлар амалга оширилаётган маҳалда Дадахўжаев кўчасида яшовчи Панкин деган кимсанинг панага яшириб қўйган милтиғи топилиб қолди. Бу қирқма ов милтиғининг 20 дона ўқи ҳам борлигини билган ички ишлар ходимларининг «овчи»дан шубҳаси яна ортди. Шу боис Панкин бўлимга олиб кетилди.

БОСҚИНЧИЛАР

ОЛМАЛИҚ шаҳридаги Ленин кўчасида яшовчи В. Саидов ва 5—3 кичик туманда яшовчи Королевлар Абу Али ибн Сино кўчасида истиқомат қилувчи Широкихни ясама тўппонча билан қўрқитиб, 15 минг Россия рублини тортиб олиб кетдилар. Шунингдек, хонадондан қўл соати ва бошқа ҳар хил буюмларни ҳам ўмарган жиноятчиларни ички ишлар ходимлари тергов қилишмоқда.

ИШҚИ ТУШГАЧ, ТАКСИЧИНИНГ ПУЛИГА...

ЧИРЧИҚ шаҳрида яшовчи икки йигит-қиз таксига ўтириб олишгач, пул тўлашни хоҳламай қолишдими ёки таксичининг пулларига ишқи тушиб қолдими, ҳартугул, ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ солишди.

Йўловчилар ҳожатини чиқармоқчи бўлган ҳайдовчи бир амаллаб сиртмоқдан омон қолгач, бу зўравонлардан нафақат аламини, балки 150 сўм пулини ҳам қайтариб олиш ниятида ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Тутилган жиноятчилар мазкур воқеа юзасидан тергов беришмоқда.

Бу — қизиқ!

АСАЛАРИНИНГ ХУЛҚ-АТВОРИНИ БИЛАСИЗМИ

Кўпчилик асалнинг бозордаги нархи ёки дукондаги баҳоси қанча эканини яхши билади. Чунки ҳар куни асал танаввул қиламиз. Лекин, дастурхонимиздаги асал қандай пайдо бўлишини ҳар ким ҳам билавермайди. Айтайлик, асаларичилар асалнинг пайдо бўлиш жараёнини яхши ўзлаштириб олганлар, улар ҳатто асаларичиларнинг турларини (ота-онасини, ишчи-хизматчисини, «бекорчихўжаси»ни) бир-биридан фарқлай оладилар. Шундай бўлса-да, малакали асаларичилар ҳам асаларичиларнинг хулқ-атворини юз фоиз билмас эканлар.

Қуддусдаги дорилфунун мутахассислари асаларичиларнинг хулқ-атворини махсус тадқиқ этишга киришдилар: лаборатория шароитида «ишчи» асалари тухумдан чиққандан то вафот этгунча бўлган давр синчиклаб кузатилиши натижасида сариқ рангли гуллардан нисбатан кўпроқ бол тўпланиши маълум бўлди. Ҳаво ранг гуллардан эса камроқ бол (нектар) тўпланар экан. Қизиги шундаки, асаларилар «яшил-сариқ» гулларни «ёмон-хаво ранг» гуллардан фарқлашни аста-секинлик билан «ҳаётий тажриба» асосида ўзлаштириб оларкан: агар улар болга сероб сариқ гулларни учратсалар борми, бир-иккита «рейс»дан сўнг ҳаво ранг гулларни четлаб ўтишар экан. Олимлар ҳозирча: «Асалари ёшлик пайтида саёҳатга уч булиши мумкин. Шу боис узоқларга учиб бориб», ўйинқароқлик билан ҳаво ранг гуллардан бол тўплаб юрадими? Балки, «кекса» асаларилар чарчаб қолмаслик учун сариқ гулларни танлаб олишар?» — деган саволларга аниқ жавоб топиш устида бош қотиришяпти.

СУВДАГИ ИССИҚХОНА

Биз иссиқхоналарда сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришни, чилги экинларнинг кўчатларини тайёрлашни аллақачон ўзлаштириб олганмиз. Лекин шу жиҳатдан қаралса, Исроилнинг қишлоқ хўжалиги мутахассислари бизга нисбатан бир қадам олга ташлашган кўринади. Чунки улар дунёда биринчи булиб сув ҳавзалари ва аквариумлар учун манзарали ўсимликларнинг кўчатларини етиштирадиган «иссиқхона» яратдилар. Бундай «иссиқхона» атрофи ўралган сув ҳавзаларига жойлашган булиб, унда ҳар хил сув ўтларининг кўчатлари ўстирилади. Кўчатлар фақат маҳаллий ўғитлар билан етиштирилгани учун атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етказмайди. Дунёнинг бирқанча мамлакатларидан «Офра» фирмасининг ҳавзаларбоп кўчатларига буюртмалар келиб турибди. Вақти келиб бундай иссиқхоналар бизда ҳам оммалашса ажаб эмас.

(«Иерусалиминформ» материаллари асосида тайёрланди).

ЭЪЛОНЛАР

Арзон ва келишилган нархда ғалладан тайёрланган спирт сотилади.
ГОСТ 5962-67
Тел. 50-03-76, 21-48-67, 47-71-82, 78-19-83.
9.00 дан 18.00 гача.
21-41-58 телефонига 12.00 дан 23.00 гача.

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманида 30 сотихли (8 хона) уй сотилади. Газ, иситиш тармоғи бор. Сув уй ёнида.
Т: 44-21-54, 44-12-47.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 2 мартда чиқади).

Шайхонтохур туманига қарашли жавобгарлиги чекланган «Центавр» жамияти
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар икки ҳафта давомида қабул қилинади. Тел: 41-60-80

Тошкент шаҳар суди жамоаси Тошкент шаҳар судининг судьяси Саодатхон Асроровна Комиловага оналари
ЖЎРАХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48*
Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0101. 19315 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5 6